

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ  
КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ  
РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**АМАЛИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ  
БАДИИЙ КУЛОЛ ВА МЕЪМОРИЙ ЁДГОРЛИКЛАР БЕЗАГИНИ  
ТАМИРЛАШ КАФЕДРАСИ**

“Ҳимояга рухсат этилсин”

Факультет декани

\_\_\_\_\_ С.Дж.Саидова

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

5151200 -Амалий санъат таълим йўналиши,  
Бадий кулолчилик бўлими талабаси

**Доминжонов Камолиддин Фахриддин ўғлининг**

**“ЙИЛ ФАСЛАРИ” ДЕКОРАТИВ ВАЗАЛАР ТЎПЛАМИ**

**мавзусидаги**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Илмий раҳбар: “Бадий кулол  
ваМеъморий ёдгорликлар  
безагини тамирлаш ” кафедраси  
катта ўқитувчиси

\_\_\_\_\_ К.Сиддиқов

“Ҳимояга тавсия этилсин”

“Бадий кулол ваМеъморий  
ёдгорликлар безагини тамирлаш”  
кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ Д.Хайтметов

“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2019 йил

Тошкент – 2019

Мазкур битирув малакавий иши Бадиий кулолва Меъморий ёдгорликлар безагини тамирлашкафедрасида бажарилган Бадиий кулол ва Меъморий ёдгорликлар безагини тамирлашкафедрасининг 2019 йил \_\_\_\_ даги № \_\_\_\_ - сонли мажлисида ҳамда Амалий санъат факультетининг 2019 йил \_\_\_\_ даги № \_\_\_\_ - сонли факультет Кенгашида муҳокама этилган ва ҳимояга тавсия этилган.

Такризчи: \_\_\_\_\_

Битирув малакавий иши ҳимояси 20\_\_ йил \_\_ июн соат \_\_\_\_ да Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мироншоҳ кўчаси 123.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>4-10</b>
<b>I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН КУЛОЛЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ.....</b>	<b>11-29</b>
I.1. Ўзбек халқ амалий безак санъатида кулолчиликнинг аҳамияти.....	11-17
I.2. Ўзбекистон кулолчилик мактаблари тарихи.....	18-24
I.3. Кулолчилик санъатининг етук намоёндалари.....	25-29
<b>II БОБ. КУЛОЛЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ.....</b>	<b>30-41</b>
II.1. Кулолчиликда фойдаланиладиган лойларнинг турлари.....	30-33
II.2. Сирлаш ва ранг бериш технологиялари.....	34-36
II.3. Кулолчилик намуналарини хумдонда пишириш.....	37-41
<b>III БОБ. “ЙИЛ ФАСЛАРИ” ДЕКОРАТИВ ВАЗАЛАР ТЎПЛАМИ МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИНING АМАЛИЙ ЖАРАЁНИ.....</b>	<b>42-45</b>
III.1. Мавзуни танлаш устида олиб борилган ишлар.....	42-44
III.2. Композицияни ашёда яратиш босқичлари ва унда ишлатилган хом ашёлар.....	45
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>46-47</b>
<b>АТАМАЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>48</b>
<b>ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>49</b>
<b>ИЛОВАЛАР.....</b>	<b>50-58</b>

## КИРИШ

Ўзбекистон халқи тарихи ва маданияти қадимги Шарқ тамаддунининг салмоқли қисмини ташкил этади. Унинг йирик тарихий-маданий ҳудудлари, турфа табиий-географик ва иқлимий шароитларида ривожланиб келган мўл хом-ашё захирасининг мавжудлиги асосан шаҳарлари юзага келган давлатчиликни шаклланиши ва маданий тараққиётнинг ўзига хос йўллари билан белгилаб беради. Ўтмишда республикамиз ҳудудида Хоразм, Бактрия, Суғдиёна, Чоч, Уструшона, Фарғона каби йирик тарихий-маданий ўлкалар (вилоятлар) гуллаб-яшнаган. Юртимиз тарихи билан шуғулланадиган барча тарихчи, археолог ва бошқа қадимшунос олимларга шу нарса маълумки, қадимги замон халқлари тарихини ўрганишда улар қолдирган моддий ашёлар муҳим ўринни эгаллайди. Буларга ўша оддий, ҳали ибтидоий аجدодларимиз кундалик ҳаётида ишлатган оддий сопол буюмлардан тортиб, ўрта асрлардаги ҳаммани лол қолдирадиган сирланган кулолчилик буюмлари ва архитектура обидаларигача бўлган мураккаб иншоотларни археологлар реставраторлар ўрганадилар ва уларга қараб ўша жамиятнинг ҳолати, халқларнинг турмуш тарзи тўғрисида хулоса чиқарадилар. Кулолчилик буюмлари турли даврларга оид моддий-маданий ашёлар ичида бирорта ҳам топилма ўзининг кўплиги, яхши сақланиши ва тарихий маълумот бериши жиҳатидан кулолчилик буюмининг олдига тушолмайди.

Мустақил Ўзбекистон давлати – беқиёс маданий мерос ворисидир. Унинг айниқса, амалий безак санъати соҳалари, яъни кулолчилик, каштачилик, наққошлик, кандакорлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, тўқимачилик, заргарлик, зардўзлик санъати турлари бунинг ёрқин мисолидир. Авлоддан – авлодларга асрлар давомида халқ усталари тамонидан яратилган ноёб буюмлар, халқнинг маиший ҳаёти билан боғлиқ ҳолда унинг эстетик ва маънавий эҳтиёжларига ҳам жавоб бериб келган. Ижтимоий – иқтисодий шарт шароитларнинг ўзгариши билан боғлиқ ҳаётий воқеалар вақт ўтиши билан халқ усталарининг камайишига, хунармандчилик

буюмларининг истеъмолдан чиқишига олиб келган бўлса ҳам, амалий безак санъати анъаналари санокли усталар ижодида ўзининг муаллифлик ва касбий маҳорати даражасини сақлаб қолган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин кадриятларга, урф-одатларга, анъаналарга бўлган эътибор янада ортди. Мустақиллик йилларида сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар миллий меросимизга бўлган қизиқиш, шунингдек Ўзбекистон кулолчилиги санъати ривожининг барча омиллари инобатга олган ҳолда, чуқур ва объектив тарзда ўрганиш имконини беради.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратилиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий мероси қайта тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган муҳим вазифа бўлиб қолди. Мафкуравий тазйиқлардан холи бўлиш ва ижод эркинлигига эришиш бадий жараёнининг муҳим омилларидан саналиб, у ижодкорларга янги пластик шаклларни яратиш ва турли услубий йўналишларда ижод қилишдек қулай шароит туғдирди. Ижод эркинлиги қонун билан кафолатланди, бу эса истеъдодли санъаткорларнинг имконият чегараларини бузиб ташлади. Янги давр бошланиб, бу давр янги Мустақил Ўзбекистоннинг истеъдодли ёш ижодкорларини санъат саҳнасига олиб чиқди.

Мустақиллик даври Ўзбекистон сиёсатида янги бир сифат тарзида намоён бўлиб келмоқда. Турли ислохотларнинг жорий қилиниши жамият равнақи учун хизмат қилмоқда. Кескин юксалишлар нафақат фан ва маданиятда балки, амалий санъатда, замонавий меъморчиликда, кулолчиликда, тасвирий санъатда ҳам намоён бўлмоқда. Мамлакатда жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган иншоотлар барпо этилиб, бунёдкорлик ишлари кенг йўлга қўйилган. Амалга оширилган барча саъи-ҳаракатлар биргина мақсад сари эркин ва фаровон жамият куриш, Ўзбекистонни ривожланган давлатлар қаторига олиб чиқишга қаратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов куйидаги фикрни беради «Давлатимиз қанчалик тез улғайиши, куч-қувват

ато этиши, дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши, авваламбор, халқимиз маънавий савияси, ғурури ва фахри нечоғлик юксак бўлишига боғлиқдир. Ана шуни инобатга олган ҳолда жамият барпо этмоқчи бўлиб, энг асосий йўналишлардан бири сифатида халқимиз тарихини маънавий кадриятларини тиклаш вазифасини қўйдик»<sup>1</sup>.

Ўзбекистон эришган мустақиллик ўзбек халқи миллий ўзлигини англашга, унинг маънавий дунёсига, демакки, санъатига ҳам бевосита таъсир кўрсатди. Истиқлол бевосита кулолчилик санъатига ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Янги давр туфайли замонавий ўзбек кулолчилик миллий анъаналарга, жаҳон кулолчилик санъати мактабига хос турли тажрибаларга ҳам дадил мурожаат қила бошлади. Бирор бир жамиятнинг маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий кадриятларини ривожлантирмай ҳамда мустаҳкамламай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди. Халқнинг маданий кадриятларида Шарқ халқлари учун қудратли маънавий манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазийққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий кадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ҳар бир ёш авлод учун, жумладан биз ёшлар учун дастурул амал бўлмоғи зарур. Бунинг учун эса биз ўз навбатида тарихдан акс-садо бериб турувчи музейларга боришимиз, унинг фаолияти билан яқиндан танишиб, мавжуд экспонатларни кузатишимиз, керак бўлса улар устида тадқиқот ишларини олиб боришимиз жоиз. Зеро бунинг учун етарлича шароитлар мавжуд.

Бозор иқтисодиёти шароити, рақобатбардошлик, анъанавий хунармандчилик табиатига, унинг ривожига, анъаналарининг қай даражада сақланишига, унинг ўзига хос маҳаллий хусусиятлар масалаларини илмий тадқиқ этиш долзарб ва истиқболидан далолат беради. Давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритганда кейин, унинг янги шаклланган мафкура

---

<sup>1</sup>И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Т., «Ўзбекистон» 1997, 137-бет.

Ўзбекистон халқларининг маънавий ва маданий меросини сақлаш ва унутилган миллий қадриятларини қайта тиклаш мустақил давлатнинг муҳим вазифасига айланди. Айниқса ҳозирги кундаги қадриятларга бўлган муносабат - миллий тарихий жихатдан ўзлигини англаб этиш жараёнида мамлакатнинг қарор топган табиатини энг мувофиқ келадиган йўналишларини белгилайди. Мустақиллик мафкураси негизида миллатнинг ўз-ўзини эътироф этиш жараёнини бадиий мерос ва аввалло, халқнинг ўзига хос миллий хусусиятларини бирмунча яққол акс эттирувчи анъанавий амалий санъатнинг ўрни каттадир.

Ўрта Осиё шароитида бутун бошли шаҳарлар, қишлоқлар, қўرғонлар, ҳозирда тепаликка айланган бўлиб ер остида ётибди. Юқорида санаб ўтилган яшаш маконларидан ташқари одамларни кундалик ҳаётида керак бўладиган буюмлар ҳам реставраторлар учун ўрганиш манбаидир. Масалан, темир, мис, суяк ва ёғочдан ясалган буюмлар, меҳнат қуроллари, турли тақинчоқлар, ҳайкаллар, тангалар, кулолчилик буюмлари ва ҳоказо. Шуларнинг ҳаммаси топилиш шароити ва ҳолатига қараб реставраторлар маълум бир таъмирлашга ҳулоса чиқаришга имкон беради.<sup>2</sup>

Ўрта Осиё ҳудудида илк кулолчиликнинг пайдо бўлиши бевосита деҳқончилик маданиятининг пайдо бўлиши жараёнлари билан боғлиқ. Илк деҳқон жамоалари мезолит давридан кескин фарқ қилиб, улар ғорларда ва қояларнинг остиларига яширинишмаган, улар пахса деворли кичкина уйларни қуриб яшашни ўрганганлар. Шу давр ёдгорликларидан топилган уйларни сомонли сувоқларидан арпа, ҳатто буғдой донлари ҳам топилган.

Кулолчилик санъати қадим замонлардан бери инсоният маданиятида ўзига хос муҳим ўрин эгаллади. Бу санъат тури жамиятда хунармандчилик ишлаб чиқаришнинг мустақил соҳаси сифатида ажралиб чиққанидан буён давом этиб, кўп асрлар мобайнида халқ ўртасида бадиий санъат шаклида ривожланиб келди ва турли даврларда турлича кўринишда тараққий этди.

---

<sup>2</sup> Исомиддинов М Сополга битилган тарих, Самарқанд-2001, 5-б.

Нима сабабдан Ўзбекистоннинг энг жанубий минтақаларида юқори сифатли кулолчилик буюмлари таёрланган? Чунки, Ўзбекистоннинг жанубий ўлкалари – ҳозирги Сурхондарё вилояти, Тожикистон ва Туркменистоннинг жанубий қисмлари юксак деҳқончилик ва кулолчилик маданиятига эга бўлган ва дастлабки шаҳар цивилизациялари тарқалган ўлкаларнинг энг шимолий чегарасига кирганлиги ҳозирги кунда кўпчилик олимлар томонидан тан олинмоқда.

Ўзбекистоннинг энг қадимги ва яхши ўрганилгани бу Сополлитепа ёдгорлигидир. Иккинчи энг йирик археологик объект бу Жарқўтон шаҳарчаси бўлиб, у ерда кўп йиллик қазилма ишларини олиб борган А.Асқаров, Т.Ширинов ва уларнинг шогирдлари улкан жаҳоншумул кашфиёт қилишга муваффақ бўлишган<sup>3</sup>.

Кулолчилик чарҳида таёрланган асосан цилиндр-конус шаклдаги идишлар Ўрта Осиёдаги жуда кўп ёдгорликлардан чиққан, аксарият олимлар томонидан милоддан аввалги минг йилликнинг ўрталарига оид деб ҳисоблаб келишган. Бу сана Ўрта Осиёнинг аҳмонийлар томонидан забт этиш даврига тўғри келган. Кулолчилик санъати анъаналари асрлар мобайнида ривожланиб, такомиллашиб келган ва пухта эстетик қонун – қоидалари ишлаб чиқилиб, юксак ижрочилик маҳоратига эришилган. Ўзбекистонда ушбу санъат тури кенг тарқалган ва бир-биридан фарқ қилган услубга эга бўлган кулолчилик мактаблари ва марказлари мавжуд бўлган. Булар: Фарғона баддий кулолчилик мактаби (Риштон, Ғурумсарой), Бухоро-Самарқанд бадий кулолчилик мактаби (Самарқанд, Ургут, Ғиждувон ҳамда Уба қишлоғи), Хоразм бадий кулолчилик мактаблари (Мадир ва Каттабоғ)дир

**Мавзунинг долзарблиги.** Битирув малакавий ишининг долзарблиги шундан иборатки, ҳалқ анъаналарини ўрганиш ва унинг талқинларини тўғри таҳлил қилиш доим илмий аҳамиятга эга бўлган. Амалий санъатимизнинг ажралмас қисми бўлган кулолчилик соҳасида таълим олиб битирув малакавий ишимни “ЙИЛ ФАСЛЛАРИ” деб номладим. Мен ушбу малакавий

---

<sup>3</sup> Жўрақулов М Исомиддинов М Ўрта Осиё кулолчилиги тарихидан Самарқанд-1999,



битирув ишимда Ўзбекистондаги йил фаслларининг бир бирига қай даражада боғлиқлиги ва ҳар бир фаслнинг ўзгача хусусиятларини намоёниш этишни хоҳладим. Ўзбек халқининг ўтмиши Марказий Осиё халқлари тарихи билан чамбарчас боғлиқ хусусан, амалий санъат тарихи мавзусида ҳам муштаракликни кўрамиз. Аждодларимиз яратган амалий безак санъати, шунингдек, кулолчилик тарихининг жонли ва ишончлиги кўзгуси хисобланади. Кулолчилик санъатининг сирлари шундаки, қўл меҳнати, инсоний меҳр, заковат талаб қилади. Шунинг учун ҳам одамлар қайси миллатга мансуб бўлмасин, қайси ҳудудда яшамасин кулолчилик санъати оламидан бирдек бахраманд бўлишади. Ҳаётимизни севги, муҳаббат туйғуларисиз тасаввур эта олмаймиз. Бу мавзуда шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, ҳайкалтарошлар ижодий изланишлар олиб борганлар. Шу нуқтаи назардан мазкур Битирув малакавий ишимнинг асосий мавзусини табиатга бўлган севги ва муҳаббатни, унинг фаслларида намоён этишга бағишладим.

**Малакавий битирув ишининг мақсад ва вазифалари.** Битирув малакавий ишидан кўзланган асосий мақсад ўзбек халқ амалий санъати бўлмиш кулолчилик соҳасини кенг тарғиб этиб уни халққа тўғри ва равон етказиб беришдан иборат. Мен кулолчилик соҳасини янада кучлироқ ўрганиш учун тўрт йил давомида устозлардан олган билимларимни жамлаб “Йил фасллари” деб номланган битирув малакавий ишимни яратдим. Шу яратган композицияда қуйида айтиб ўтилган мақсад ва вазифалар берилган.

Битирув малакавий ишнинг амалий ахамияти халқ амалий санъати ҳам санъат ҳам хунар хисобланади. Амалий санъат турларидан бири бўлган кулолчилик санъати қадим замонлардан бери сулолалардан сулолаларга ўтиб, ривожланиб келмоқда. Кўзда тутилган асосий мақсад, устоз кулолларнинг ижодини ўрганиш билан бирга, айнан шу даврда кулолчилик санъатини илмий жиҳатдан ўрганишдан иборат бўлди. Булар қуйидагилардан иборат:

— Кулоллик санъатини тарихий даврларга бўлиб ўрганиш;

- Кулоллик санъатининг истиқлол йилларидан сўнги ривожланиши ва ундан пайдо бўлган янгича йўналишларни ўрганиш;
- Мустақиллик йилларига оид қатор асарларда чуқур миллийликни ифодаловчи услублар, йўналишлар ва бу борада яратилган композиция асарларини тадқиқ этиш;
- Мавзуни ёритишда асос қилиб олинган мавзуси кенг қамровда батафсил ўрганиш, шу билан бир қаторда илмий жиҳатдан тадқиқ этиш каби қатор вазифаларни ташкил этади.

**Битирув малакавий ишининг таркибий тузилиши.** Битирув малакавий иши Кириш, Асосий қисмда учта бобнинг ҳар бирида учтадан бўлим, Хулоса, Изоҳли луғат, Фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иллюстрациялардан иборатдир.

Кириш қисмида мавзу билан боғлиқ бўлган манбалар, танланган мавзунинг долзарблиги, изланишнинг мақсад ва вазифалари, таркибий тузилиши ва ишнинг умумий муҳокамасига оид маълумотлар жамланган. Тадқиқотнинг биринчи боби кулолчилик санъати тарихига бағишланган бўлиб, Амалий санъатда кулолчиликнинг ривожланиш ўрни, кулолчиликсанъатининг етук намоёндалари ва кулолчилик мактабларининг шаклланиши каби бўлимларга бўлиб чиқилган ҳолда тадқиқ этилган. Иккинчи бобида Кулолчилик технологиялари ҳақида фикр юритилган. Унда кулолчиликда фойдаланиладиган лойларнинг турлари, Сирлаш ва ранг бериш технологиялари ҳамда кулолчилик намуналарини хумдонда пишириш борасида атрофлича маълумотлар бериб ўтилган. Тадқиқот ишининг сўнги учинчи боби «Йил фасллари» мавзусидаги битирув малакавий ишининг амалий жараёни билан боғланган ҳолда ёритилган бўлиб, Мавзуни танлаш ва эскизлар устида олиб борилган ишлар ҳамда мавзусини ашёда яратиш босқичлари каби бўлимларга ажратиб чиқилган.

# **I БОБ. ЎЗБЕКИСТОН КУЛОЛЧИЛИК САНЪАТИ ТАРИХИ**

## **1.1. Ўзбек халқ амалий безак санъатида кулолчиликнинг аҳамияти.**

Марказий Осиё, қадимда Турон, Туркистон ва Мовароуннаҳр номи билан аталган хусусан Ўзбекистон амалий санъат асарларига бой ҳудуд ҳисобланган. Бу ўлка ўзига хос узок тарихга эга бўлиб Рим, Византия, Эрон, Хитой, Хиндистон, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари аро маданий алоқалар савдо-сотик алмашуви бўлган. Сирланган, кулолчилик Ўзбекистонда, маълумотларга кўра, VII аср охирларидан Мовароуннаҳрда пайдо бўлган, лекин IX аср охири ва X аср бошларида ёрқинроқ ривожини топган.

Ўзбекистонда сирланган кулолчиликнинг ривожланиш тарихини даврлаштиришда 3 босқичга бўлиб ўрганиш мумкун:

Биринчи босқич ўз ичига – IX аср охири XIII аср бошларини олади, янги ислом даврида ҳунармандчилик ва савдо-сотик ривожланиши сабабли сирланган кулолчилик Ўрта Осиёда кенг тарқалади. Бу даврда маҳаллий халқ Сомонийлар ва Қороҳонийлар ҳукумронлигида эди. XIII аср бошларида монголларнинг босқини сабабли Маворауннаҳрда сиёсий-иқтисодий, маданият ва санъатда инқироз юз тута бошлайди. Бу албатта кулолчилик соҳасига ҳам таъсирини кўрасатади.

Иккинчи босқич – XIV-XVI аср сиёсий – иқтисодий ва маданий ҳаёт Моворауннаҳрда улкан ва кучли империяни ташкил этган Амир Темур ва унинг сулоласини ўз ичига олади. Бу даврнинг сирланган кулолчилиги, узок ғарб таъсирида шакли, сифати жиҳатидан олдинги даврлардан фарқланади. Темурийлар анъанасига ҳос усул XVI асргачам давом этган.

Учинчи босқич–XVII аср бошлари XIX асрларни олади. Бу даврда Ўзбекистон ҳудудидаги уч хонлик – Бухоро, Қўқон ва Хива кулолчилигида маҳаллий мактаблар шакилланишига сабаб бўлган.

Ўзбекистон кулолчилиги катта тарихий йўлни бошидан ўтказганини ҳисобга олиб, изланишлар, унинг ҳар бир босқичидаги ривожланишларни алоҳида гуруҳлар ёрдамида ўрганишлар олиб борилган. Ўрта аср Моварауннахр сирланган кулолчиликнинг ривожланишининг илк ва монголларгача бўлган даврни, олимлар ва археологлар томонидан топилган топилмаларнинг бўлақларини аввал Афрасиёб, кейин Хоразм, Фарғона, Чағаниён ва Чоч мактаби асосий қисмларини катта қийинчиликлар билан ўрганишган.

Кулолчилик қора лойдан мўъжизакор гўзалик яратган Шарқнинг энг қадимий ҳамда навқирон санъатидир. Бу қора лой, саховат, ҳалоллик, эзгулик тимсолидир. Тупроқ инсонларнинг барча эҳтиёжни ўз зиммасига олган фаровонлик, тўқинлик, ризқ-рўз, гўзалликнинг энг олий кўриниши санъатининг заминидир. Ўзбек кулолчилиги ўзоқ тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Кулолчилик хунари лойдан, пиёла, коса, товоқ, кўза, лаган, хурмача, тоғора, хум, тандир, буюм, ўйинчоқлар, қурилиш материаллари ва бошқалар тайёрланадиган соҳа бўлиб, у ўзоқ тарихга эга. Махсус тупроқни ўта қиздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан ҳар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан неолит даврининг бошларидаёқ билганлар. Улар аввал лойдан идиш-товоқлар ясаб, гулхонда қиздириб пиширганлар. Тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларида бўлгани учун кулолчилик кенг тарқалган бўлиб, дастлаб бу хунар билан аёллар шуғулланганлар. Кулолчилик чархи милoddан аввалги уч минг йилликни бошларида ихтиро қилингандан кейин кулолчилик билан эркаклар шуғуллана бошлаганлар. Кейинчалик лойдан ясалган идиш-товоқларни махсус ўчоқ ҳамда хумдонларда пиширганлар.

VIII-XII асрларда кулолчилик Ўрта Осиёда яхши ривожланган. Буни Афросиёбда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ерларида топилган кулолчилик буюмлари исботлаб берди. Ўша даврда Ўрта Осиё маданияти тез суръатлар билан ривожланди. Кўпгина олим, ёзувчи ва мутаффақирлар, яъни Абу Али Ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рўдакийлар етишиб чиқди. Бутун дунёга машхур бўлган меъморчилик ёдгорликлари бунёд этилди. XIII асрда

мўғуллар босқинчилиги оқибатида Бухоро, Самарқанд, Урганч, Мавр, Балх ёнғин остида қолди. Оқибатда кулолчилик санъати ривожига путур кетди. XIV асрдан бошлаб Ўрта Осиё территориясида кулолчилик тез суръатлар билан ривожланди. XIX асрга келиб кулолчилик мактаблари ташкил бўла бошлади.

Ўрта Осиёда сувга бўлган эҳтиёж катта бўлгани учун сопол идишларни тез суръатлар билан ишлаб чиқаришга эҳтиёж сезилди. Асрлар оша уларнинг шакли ва безаги нафислана борди. Усталар турли-туман кулолчилик буюмларини яшадан ташқари уларни юксак дид билан безай бошладилар. XIX асрда Ўрта Осиёда тожик ва ўзбек халқлари ўртасида кулолчилик жуда кенг ривожланиб Ғиждувон, Панжикент, Самарқанд, Шахрисабз, Тошкент, Риштонда кулолчилик марказлари пайдо бўлди. Кулолчилик билан дунёдаги барча халқлар шугулланади. Улар ўзига хос томонлари билан бир-биридан фарк қилади. Ўзбек кулолчилиги узок тарихга, ажойиб анъаналар, шакл, мазмун, ижодий жараён ва ўзига хос услубга эга. Сопол буюмлар содда булсада, унинг кўриниши қисмларининг аниқлиги, мутаносиблиги, сакланиши, нақшларнинг бадиий жойлашиши, шакл ва мазмуннинг бирлиги, уйғунлиги ўзбек кулолларини жаҳонга танитиб келмоқда. Кулолчилик хунари лойдан пиёла, коса, товок, кўза кабиларни тайёрлайдиган соҳа бўлиб, у узок тарихга эга. Махсус тупрокни ута киздирганда тошсимон бўлиб пишишини, ундан хар хил идишлар тайёрлашни одамлар жуда қадимдан билганлар. Улар аввал лойдан идишлар ясаб гулханда қиздириб пиширганлар.

Инсон кулолчилик билан неолит давридан шуғулланган. Махсус лойдан буюмлар ясалган, қуритиб оловда қиздирилган. Кулолчиликда ишлатиладиган тупроқ жаҳоннинг ҳамма ерларида мавжудлиги деярли ҳамма халқларда кулолчиликнинг кенг тарқалишини таъминлади. Кулолчилик билан дастлаб аёллар шуғулланган, кулоллик чархининг пайдо бўлиши билан эркаклар ҳам бу ишга жалб қилинган. Идишлар махсус ўчоқ ва хумдонларда пиширилган. Кулолчиликнинг содда усуллари Осиёнинг тоғли

худудларида яшовчи халқларда hozir ҳам mavjud. Неолит даврига оид қароргоҳларида қазиб топилган қолдиқлари ўша даврда идишларнинг таги учли қилиб тайёрланганлигини кўрсатади (идишлар ерга суқиб қўйилган). Енеолит даврида шарқ мамлакатларида, Юнонистонда нафис сопол идишлар тайёрлаш, сополдан меъморликда фойдаланиш авж олади. Сирлаш усуллари кашф этилгач, кулолчилик буюмларининг бадий қиммати оша борди.

Қадимда одамлар яшаётган масканларига, девор-у тошларга ов жараёнлари, жанг-у жадаллар, базмлар, тантанали маросимларни акс эттирганлар. Жумладан, Афросиёб, Варахша, Болаликтепа ва бошқа обидалар қолдиқлари шундан далолат беради. Кейинчалик айрим сабабларга билан тирик mavjudодни акс эттириш таъқиқлаб қўйилди. Шунинг учун амалий санъат ўрнини ўсимликсимон, геометрик нақшли безаклар эгаллади.

Ранг-баранг ўсимликсимон, геометрик нақшлар, уларнинг ўзаро жойлашишида чуқур мазмун сингдирилган. Тасвирланган нақшларда рамзийлик устивордир. Ота-боболаримиз қадимий обидаларни нафис нақшлар билан безар эканлар, завқ олиш билан бир қаторда улар орқали ўз орзу-умидларини, муҳаббатларини, тилакларини куйлаганлар. Наққош ота-боболаримиз инсон руҳиятини жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиб, уйларни ажойиб нақши нигорлар билан бойитганлар. Нақшланган уйда кишилар хотиржам, руҳий осойишталик оғушида бўлиши, узоқ умр кўришини донишманд боболар асрлар давомида ҳаётий тажрибалар асосида илғаганлар. Кекса усталаримиз айтишича, қадимда наққошлик санъати шунчалик ривожланган эканки, улар чизган ёки бўяган нақшлари орқали бир-бирлари билан унсиз овозда гаплаша олар эканлар. Наққошлик санъати тилини билиш учун нақшнинг ҳар бир унсури ва рангларининг рамзий алифбосини билмоқ керак бўлган. Чунки, муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Каримда «Оллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади», дейилади. Демак, Ислоннинг эстетик нуқтаи назари гўзаликка ошно бўлмоқдир. Оллоҳ гўзал экан, у яратган одам ҳам, у бунёд қилган олам ҳам, бандаларга ҳадя этган

ноз-неъматлари ҳам гўзалдир. Иброҳим Шаққий айтади: «Мавло, кўрайлик, найлар, найларса гўзал айлар. Шунга мувофиқ, Оллоҳнинг исм-сифатларини васф этувчи сўзларимиз, унинг кудратини тамсил этувчи биноларимиз, меъморлик обидаларимиз, кўйингки, тангри иродаси, исм-сифати билан боғлиқ бу оламда нимаики нарса бўлса, ҳаммаси гўзал бўлиши керак. Араб имлоси, ғазал, битиклар, нақшлар, меъморий обидалар, тасвирий санъатнинг ислимий-тилсимий турлари эшитиш ва кўриш аъзоларимиз орқали руҳимизга ҳиссий қувонч олиб келади. Ислом маданияти ижод дастурида фикр ва нарсаларнинг шакл яхлитлиги рамзий-тилсимий мазмун қобиғига ўралган. Нақш – ҳаққониятни қўл билан ушлаб кўриш эмас, гўзалликнинг моҳиятини англаш, шу гўзалликни дилда тасдиқлаш, чодра ортидаги ҳолатга ўзни тайёрлаш ва унга кириб бориш тимсолидир...».

Ўтмишнинг бирор ёрқин зиё зарраси асрлар зимистонини ёритиши мумкин. Мустақилликка эришган халқимиз санъатшуносларидан маданий мерос хазинасига муносиб ёдгорлик ёки ёдномаларни излаб топиш, уларни чуқур ўрганиб мағзини чақиш, улар ташкил этган ижод пиллапоаяларидан кўтарилиб янги замон маданияти равнақиға хизмат этиш каби ғоят масъул ва эътиборли ишлар қўлами кутиб турибди. Ўзи бир олам бўлган меъморлик санъати ва у билан чамбарчас боғлиқ халқ амалий санъати, хусусан кулолчилик, наққошлик, ўймакорлик, ганчкорлик, кандакорлик каби соҳалардаги ижод намуналарини ўрганиш йўлида анчагина самарали тадқиқотлар мавжуд. Кўп йиллик изланишлар натижасида, табиийки, халқ меъморлари, халқ усталари таомилиға хос анчагина муаммолар бор, улардан бири, безакларни рамзий ўқиш алифбоси тузилмаганлиғидадир. Ўзбекистон амалий санъати ўзининг серқирралиғи ва ранг-баранглиғи билан кўхна тарихни безаб туради. Республикамиз мустақилликка эришган йилларда айниқса, бу санъат янада кенг қанот ёзмокда ва ривожланмокда. Анъанавий кулолчилик эса амалий санъатда энг қадимги турлардан ҳисобланади. Вахоланки оддий тупроқдан инсон яралган ва пайдо бўлган даврдан бошлаб ҳамроҳ бўлиб келади. Ўзининг бетакрор шакли ва нақшу-нигорлари билан

сайқалланиб, авлоддан-авлодга ўтиб, анъана сифатида мудом давом этиб келмоқда. Риштон анъанавий кулолчилиги ҳам Республикамизда ўзининг мовий-феруза ранглари ва нозик шакллари билан айниқса инсонни лол қолдирадиган нақшу-нигорлари билан ажралиб туради. Айнан шу ўринда ишқор сири технологиясини риштонлик кулолларнинг фаолиятида, ишлаб-чиқариш жараёнида, шунингдек анъанавийликни сақлашда муҳимлигини ва долзарблигини таъкидлаш лозим. Бу кўхна технология сир-асрорларини ҳозирги кунга авайланиб етиб келиши фидокорлик кўрсатган машхур уста кулол Иброхимжон Комилов, уста кулол Амиралли Юлдошев, уста кулол Кимсанбой Ғанижоновларни эсламасликни ҳеч иложи йўқ. Улар ҳозирги кунда анъанавий кулолчилик сирларини бизларга етказиб беришда яъни йўқолиб кетаётган санъат турларини қайта тиклашда амалий равишда меҳнат қилиб қатор шогирдларни етиштириб бердилар. Лекин технологик жихатдан мураккаб бўлган ишқор сири билан фаолият кўрсатаётган усталар сони ҳозирги кунда озчиликни ташкил этиши бу салбий ҳоллардан биридир. Ишлаб чиқаришда кўрғошин сир билан ишлаш жараёнлари анъанавий кулолчиликнинг ривожланишига ўз таъсирини ўтказмоқда. Ватанимизнинг кўхна кулолчилик мактабларида сақланиб келаётган анъанавийликлар албатта ҳозирги кунда амалий санъатнинг ривожлантириш палласида кўхна тарихдан маълумки, анъанавий мерослардан четга ривожланиб боришида, ўзининг муҳим ўрнини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, анъанавийликни сақлаб қолиш ҳар қандай санъат йўналишида ўта муҳим ҳисобланади. Чунки, анъанавийлик бу ўзига хос мустахкам пойдевордир. Ушбу битирув малакавий иши лойиҳасининг ишлаш жараёнида асосан анъанавий кулолчилик, яъни авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кўхна амалий санъатнинг бу соҳаси билан ҳозирги замон кулолчилик санъатининг ўзаро узвийлигини ва чамбарчаслигини тасдиқлаш ва кўрсатиш асосий омил эканлигини намоён этиш мақсади қўйилган. Ваҳоланки, илғор тараққиёт даврида ва



глобаллаштирув палласида кўхна тарихдан маълумки анъанавий мерослардан четга чиқиш ва чекиниш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Ўрта Осиёда сирланган кулолчилик буюмларини шакли икки кўринишга ажралган: очиқ ва ёпиқ. Очиқ кўринишдагиларга лаганлар тарелкалар, тувак кўринишидаги идишлар ва пиёлалар кирган. Ёпиқ кўринишидагиларга, баланд ва унча катта бўлмаган, шарсимон, тўлароқ, кўзалар, вазалар, турли шаклдаги идишлар, туваклар ва чироқлар кирган. Бундай безакли кулолчилик буюмларри ташқи томонига безаклар берилган ёки бўйни, эни бўйлаб нақш чизилган. Улар асосан шакилли (геометрик) ёки ўсимликсимон нақшлар, содалаштирилган қушлар сурати туширилган.<sup>4</sup> Ёпиқ кўринишдаги идишлар очиқ кўринишдагиларга нисбатан кўпроқ ишлатилган. Уларнинг кўплаб ишлаб чиқарилиши асосий қолипга олиб келиб кўйди. Тарелка ва косалар бир бирига ўхшаш ҳажмли ва нақшлари ҳам бироз ўхшаш бўла бошлади. Асосан текис ва очиқ кўринишдаги тарелка ва лаганлар бўлар эди, қалинлиги юқа ёки бироз қалинроқ. Баъзилари думалоқ шапкилда. Тувак кўринишидаги идишлар, ёки аксинча, юзаси текис лаганларга нисбатан, бироз баландроқ ва ичига чуқурлаштирилган. Лaganларнинг ичи чуқурроқ бўлган. Пиёлалар кичиклиги билан фарқ қилар, нақшлари фақат ичига тушурилар эди. Ўзбекистон худудида IX-XIII асрларда очиқ кўринишдаги кулолчилик буюмлар ичига ва четларига чизиқлар чизилган. Ёпиқ идишларга аксинча тепасига чизиқлар чизилган. Бу икки ҳил шакилдаги идишларга нақшлар туширилган. Ёпиқ идишлар кўпинча шар шаклида ясалган. Бўйин қисми бироз қалинроқ, баъзиларига ушлагичлар ҳам кўйилар эди. Идишларнинг ташқи кўринишини нақшлар билан безатиларди. Чироқларнинг ҳажми унча катта бўлмаган, ушлагичлари ҳар-хиллиги билан ажралиб турарди. Баъзи идишлар банка кўринишида, уларга асосан эпиграфик нақшлар туширилган.

---

<sup>4</sup>А.Хақимов. Художественное наследие ислама.// Мозийдан садо.№2.2006й

## 1.2. Ўзбекистон кулолчилик мактаблари тарихи

Ўрта Осиё IX аср - XIII аср бошларида Афрасиёб (Самарқанд), Бухоро, Чоч(Тошкент), Фарғона, Хоразм йирик кулолчилик ишлаб чиқариш марказлари ҳисобланган. Бу даврда Самарқанд сирланган кулолчилиги нисбатан анча машхур ҳудудлардан бири бўлган. Афрасиёб шаҳарчасида олиб борилган археологик ишларга кўра, бир гуруҳ кулол-усталар бўлганини, маҳсулотларни ишлаб чиқариш яхши ривожлангани, сифат жиҳатдан ҳам юқори бўлганини кўрсатади. X аср Афрасиёб кулол усталарнинг маҳорати сифатли ранги, шакли – шамоили ва бадий нақшлари билан ажралиб турарди. Бу маҳсулотларда қушлар, ҳайвонларга ўхшаш чизмалари яхши тушурилган. Кўриниш ва яхлитлик жиҳатдан аниқ, ҳуди кўп йиллар давомида нақшлар соддалашган (стилизициялашган).

XI-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида айниқса сирланган кулолчилик ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилади. Бу давр сопол буюмлари ниҳоятда сифатли бўлиб, чет мамлакатларга ҳам олиб чиқилган.

XI-XII асрлар Ўзбекистон ҳудудида сирланган кулолчилик буюмлари безаги янада тараққий этади. Бу даврда асосан, эпигиграфика, ислимий ҳамда геометрик нақшлар кенг қўланилган.

Археологлар учун кулолчилик ҳудди тарихшуносларнинг иш фаолиятига ўхшайди. Кулолчилик топилмалари асосан инсон турмуш тарзидаги маълумотларни ўзида жамлайди. Ўзбекистон ҳудудида Неолит ва Бронза даврларида ўзининг юқори боскичларига кўтарилди. Бу даврга келиб нақшларга безак бериш, илк кулолчилик асосларини деворий суръатлардан таъсирланиб яратилган. Кулолчилик хунармандчиликнинг лой(гил)дан турли буюмлар (терракота сопол идиш, қурилиш материаллари ва бошқа) тайёрлайдиган тури. Кулолчиликда асосий хом ашё тупроқ. Келиб чиқиши ва таркиби турлича бўлган тупроқлардан турли хил кулолчилик маҳсулотлари тайёрланади. Лой қанча кўп пишитилса сополнинг сифати шунча яхши бўлади. Инсон кулолчилик билан Неолит давридан шуғулланган. Маҳсул лойдан буюмлар кўлда ясалган, қуришиб оловда қиздирилган. Кулолчиликда

ишлатиладиган тупроқ жахоннинг ҳамма ерларида мавжудлиги деярли ҳамма халқларида кулолчиликнинг кенг тарқалишини таъминлайди.

Кулолчилик билан дастлаб аёллар шуғулланган. Кулолчилик чархининг пайдо бўлиши билан эркаклар ҳам бу ишга жалб қилинган. Идишлар махсус ўчоқ ва хумдонларда пиширилган. Кулолчиликнинг содда усуллари Осиёнинг тоғлик ҳудудларида яшовчи халқларда ҳозир ҳам мавжуд. Неолит даврига оид қароргоҳларнинг қазиб топилган қолдиқлари ўша даврда идишларнинг таги учли қилиб тайёрланганлигини кўрсатади (идишлар ерга суқиб қўйилган). Энеолит давридан Шарқ мамлакатларида, Юнонистонда нафис сопол идишлар тайёрлаш, сополдан меъморчиликда фойдаланиш авж олади. Сирлаш усуллари кашф этилгач, кулолчилик буюмларнинг бадиий қиймати оша борди. Бир неча йил илгари сопол идишларни қўлда анъанавий тайёрлаш урф бўлган Тошкенда саноат буюмларини оммавий ишлаб чиқаришга ўтилди. 50-йилларда Тошкент йирик саноат марказига айланди ва Ўрта Осиё минтақасида ягона бўлган чинни заводи иш бошлади. Натижада Тошкентнинг оқ-қора ранг аралаш кизил-жигарранг тусли сопол идишлари йўқолиб кетди. Рахимовлар сулоласининг тўртинчи вакили Мухитдин Рахимов кулолчиликнинг кўп асрлик анъаналари узилиб қолмаслиги учун бор имкониятларини ишга солиб халқ ижодининг бу турини ривожлантирди. У кулоллик анъаналарини янгича ижодини ўзига хос тажриба синови сифатида ҳам қараш мумкин: XIX аср охири XX бошларидаги Ўзбекистон кулоллик санъатининг турли мактаблари уларнинг ўзига хос сирлари, қадимги Кушон даври сопол буюмлари, Ўрта асрдаги Афросиёб ва Темурийлар даври оқ-мовий кулоллик намуналари техник жараёнлари ҳамда бадиий безак тизимини ўрганиб, Мухиддин Рахимов мохият эътибори билан ўзбек кулоллик санъатининг бой анъаналарига янгича ҳаёт бағишлади. Ижодкорнинг анъанавий кулолликка ўзининг шахсий тажрибаларини уйғунлаштириши натижасида индивидуал ижод меваси пайдо бўлди. Шарқда кулоллик ҳунарининг қадим-қадимдан борлигини фақатгина амалий эҳтиёж бўлганлиги боиси эмас. Сопол буюмлар асосий

табiiй манбалар бўлмиш лой, сув ва олов билан боғлиқ бўлгалиги сабабли кулол тимсоли ижодкорни улуғловчи, қандайдир муқаддас бир мазмун берувчи рамзийлик касб этади. Кулол ҳунаридаги худди мана шу ижодий фаолият Ўзбекистондаги энг етакчи кулоллардан бири Ўзбекистон Бадиий Академиясининг хақиқий аъзоси, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Акбар Рахимов учун бош мезон ҳисобланади. Унинг сополдан ясалган асарлари отаси уста кулолзода Муҳиддин Рахимов томонидан ўрганиб, авайлаб асралган кулоллик ҳунари анъаналарини янада ижоди раванқ топтириш йўлида хизмат қилади.

Ўзбекистон амалий санъатнинг қадимий, шунингдек, бизнинг давримизгача ўзининг аниқ чераланган мактаб ҳамда анъаналарини сақлаб келаётган турларидан бири бадиий кулолчилик ҳисобланади. Замоनावий кулолчилик санъати XIX асрда тарихан шаклланган мактабларнинг анъанаси асосида ривожланиб келмоқда. Маълумки, ўзбек кулолчилик санъати қадимий даврлардан шу кунгача кенг тарқалган ва аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантириб келган, муҳим касб-ҳунар соҳасидир. Ўзбекистон жабҳасида қадимдан ҳар воҳанинг ҳунарамандчилиқ марказлари вужудга келиб шаклланган. Бу марказларда халқ эҳтиёжи учун энг керакли сопол буюмлар ишлаб чиқарилган ва сотилган. Ўзбек кулолчилиги икки турга: сиркор ва сопол кулолчиликка бўлинади. Ҳозирги кунда кулолчилик марказлари Республиканинг Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент, Ғиждувон, Риштон, Қўқон, Ғурумсарой, Касби, Уба, Денов, Мадир, Янги ариқ каби шаҳарларида жойлашган. Фарғона водийси ва Хоразм сопол буюмлари кўк-оқ-яшил рангларда товланса, Самарқанд, Қашқадарё, Тошкент, Бухоро сополи жигарранг-сарик тусда товланади.

Нақшинкор безакларнинг қўлланилиши ва талқинида анъаналарининг ранг-баранглиги намоён бўлади. Кулоллар буюм ясашар экан, нақшинкор расм, ранг ва шаклнинг мураккаб нисбатини нозик ҳис этишади. Буни машҳур кулол усталардаи А.Музаффаров, М.Облокулов, Р.Матчонов,

И.Комилов, Х.Сотимов, М.Разимовнинг музей тўпламларида сақланаётган асарларида яққол кўриш мумкин.

Риштон ва Ғурумсарой кулолчииинг ижоди нозик ислимий нақшлари билан ажралиб туради. Шу нақш узра рўзғор буюмлари ва атроф мухит элементлари — кўза, пичоқ, анор ва бодом мевалари тасвири туширилади. Хоразмнинг кўк-оқ-яшил рангли сополи меъморий қоплама кулолчилик (майолика) билан безатилади. Унда кўк ёки яшил фондаги оқ чирмовик тасвирланади. Ислимий нақш ҳандасавий шакллар билан хошияланади.

Тошкент, Бухоро ва Самарканд кулолчилиги алоҳида ранглари ва безаш усуллари билан ажралиб туради. Унда нуқтали ва сариқ-яшил рангдаги безак ислимий нақши билан йўғрилиб кетади. Идишларда анор меваси, товус патисимон гуллаб турган шохчалар тасвирланади. Халқ усталари мўйқаламда нақш чизиш билан бирга ўйма, кесма ҳамда босма нақшдан ҳам фойдаланишган ва ҳозир ҳам фойдаланиб келишмоқда.

Ўзбекистонда майда декоратив сопол кулолчиликни Касби, Самарканд кулоллари томонидан эртақлар олаmidан олиб ясалган анъанавий ўйинчоқда кўриш мумкин. Ҳамро Раҳимова ва Анбар Сагторова яратган ғаройиб хуштаклар, фантастик филлар, Абдураим Мухторов ва Воҳид Илҳомов ясаган, лирик юмор ва муғомбирона табассум билан йўғрилган ҳайкалчалар халқнинг ёрқин ва қувноқ безакка ҳамда фантазияга меҳри баландлигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда бадиий безатиш услуби пластик ва технологик хусусиятлари бўйича учта асосий кулоллик мактабларига бўлиш мумкин: Тошкент; Фарғона бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари - Риштон, Ғурумсарой); Бухоро - Самарканд бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари - Самарканд, Ургут, Ғиждувон, Уба, Шахрисабз); Хоразм бадиий кулолчилик мактаби (асосий марказлари Мадир ва Каттабоғ қишлоқлари).

XIX аср Ўзбекистон, Тожикистоннинг бази худудлари (Чарджоу) Марказий Осиёнинг чуқур тарихий анъаналарга эга бўлган кулолчилик мактаблари мавжуд эди. Улардан: марказлаштирилган ёки Бухоро-

Самарқанд мактаблари Самарқанд марказида, Ургутда, Бухорода, Гиждувонда, Шахрисабзда, Тошкентда, Китобда, Каттақўрғонда, Денов ва бошқа ерларда. Шимолий-шарқий ёки Фарғона, Риштоннинг марказий мактаблари, Гурумсарой, Хўжант, Чорсу, Андижон; Жанубий-ғарбий, ёки Хоразимнинг,-Урганч, Хива, Мадар ва Каттабоғ воҳаси. Хар бир марказлардаги сирланган кулолчилик, ўзида сақллаган ҳолда сайқаллаштирилган умумий ривожланиш тенденциясини бошидан ўтказди.

Фарғона - бадиий кулолчилик мактабининг асосий хусусиятлари унинг аҳоли этник таркиби, жойланиши ва тарихийлик тамойиллари билан бевосита боғлиқлигидадир.

**Риштон – Фарғона мактабининг** анъаналарининг ўзида мужассамлаштирган энг ёркин кулолчилик марказидир. Кейинги 30-йил ичида (1970 йиллардан бошлаб). Риштон сополи анъанавий бадиий ва технологик усуллар асосида қайта тикланди. XIX аср охири - XX аср бошларида Риштон-Ўзбекистондаги сирланган сопол буюмлари ишланадиган энг машхур ва қадимги марказлардан бири эди. Ишқорли сир тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда бу ерда сопол буюмларнинг япалоқ (қосалар, лаганлар) ва узун бўйли (кўзалар, хумлар) турлари ишлаб чиқарилмоқда. Илгари ишлар ихтисослашган тарзда бажариларди. Япалоқ буюмлари, яъни япалоқ ва қисқа бўйли шакллар ясовчи усталарни қосагар; баланд бўйи чизилган буюмларни ясовчи усталарни - кўзагар дейишган. Ҳозир бундай таърифлаш илгариги моҳиятини йўқотган; айрим усталар (И.Корнилов, У.Ашуров, Х.Сатторов, К.Косимов, М.Азизов, А. ва М.Тожалиевлар ва бошқалар) ҳам япалоқ, ҳам чўзинчоқ шаклли идишларни ясашади. Айни пайтда бир қатор кулоллар, асосан, ўрта ва ёш авлод вакиллари (Ш.Юсупов, А.Назиров, А.Исоков, А.Усмонов, М.Саидов, Р.Усмонов ва бошқалар) кўпроқ япалоқ идишлар - лаганлар яшаш билан шуғулланади.

**Гурумсарой** - ўзининг ғаройиб хаворанг сополи билан машхур бўлган Фарғона мактабининг яна бир марказида Гурумсаройда илгарилари минглаб

усталар ишлаган. 1990 - йилларнинг бошида бу ерда фақатгина бир уста Максудали Туропов қолган эди. Гурумсарой кулолчилик марказида Фарғона мактабининг қадимий кулоллик анъаналари кўп даражада сақланиб қолган. Бу сопол буюмларнинг ишланиш технологиясидан бадий безатиш жараёнигача намоён бўлади. Гурумсарой безаклари Риштон кулоллик маркази безакларидан ишланиш услубининг алоҳидалиги билан ажралиб туради. Гурумсарой сопол буюмларида безакнинг маҳобатлик, ойдинлик ва соддалик хосдир. Яна бир ўзига хос хусусияти бу безакларнинг узок ўтмишга тааллуқли (архаик)лигидадир. Одатда бу нақшлар кўп эмас, асосан уч - тўрт хил куйдаги йўсин ўзгаришларни учратиш мумкин (“Кумфон”, “Чорбоғ”, “Бутсимон безак”, “Кўп бурчакли юлдузсимон безаклар”). Гурумсарой сопол буюмидаги кўк мовий, ложуард, зангори ҳамда жигар ранг бўёқлар гаммаси Гурумсарой усталарининг анъанавий ишқорли сирдан фойдаланилганлигидадир.

**Бухоро-Самарқанд** кулоллик мактабининг ўзига хослиги технологик омил билан боғлиқдир. Идишларнинг жарангдор нафис бўлиб чиқишида кўрғошинли сир ва сарғиш-яшил, жигарранг бўтоқлар муҳим ўрин эгаллайди. Бухоро-Самарқанд бадий кулолчилик марказлари услубининг ички омиллари кўпроқ “Афросиёб” сополи анъаналарига асосланади: Бухоро - Самарқанд кулолчилигида ўсимликсимон нақшли безак тури етакчилик қилади. Сополларни безашда ҳайвон ва жониворларнинг тасвири ҳам кам ишлатилади. Улар асосан Ғиждувон кулолчилигида қўлланилади.

Бухоро – Самарқанд кулолчилик мактабининг Ғиждувон маркази вакиллари Алишер ва Абдулла Нарзуллаевлар кулоллар авлодининг олтинчи бўғини ҳисобланиб, оталари Ибодулла Нарзуллаевдан мерос қолган кулолчилик устахонасида ижод қиладилар. Кулоллар томонидан ясалган товоқ, дуоби коса, машади коса, кўза, нақшин товоқлар билан бирга, уларнинг ижодида 60 дан ортиқ анъанавий шаклга риоя қилиш хусусиятлари хосдир. Ғиждувон кулолчилигининг ўзига хос жиҳатларидан бири, унда ҳайвонлар тасвирининг қўлланилишидир. Кўпинча усталар лаган ўртасига

товуснинг содалаштирилган тасвири ёки унинг дум қисмини жойлаштиришади. “Думи бургут”, “Мурги сафид”, “Бойқуш”, “Тули товус”, “Минг оёқ” сингари тасвирлар шундай композициялардандир.

**Хоразм кулолчилик** мактабларида ясалган бадиий буюмлар ўзига хос бадиийлиги, безаклари ранги ва ишланиш услуби билан Ўзбекистоннинг бошқа мактаблари ишлаб чиқараётган буюмлардан ажралиб туради. Хоразмда чуқур сопол товоқ - бадиия қадимдан сақланиб келаётган миллий шаклдир.

Хоразм кулолчилигида нақшларнинг турлари унчалик кўп эмас. Улар асосан, геометрик ва ўсимликсимон безакли нақшлардир. Баъзан ҳайвон ва жониворлар тасвири ҳам ишланади. Дарҳақиқат, бадиий буюмларнинг марказий қисмига геометрик арабеска гирих тушириш Хоразм усталарининг ўзига хос услубларининг биридир. 1990-йилларда Хоразм усталарининг ижодида қадимий ўсимликсимон нақшларни ўзлаштириш жараёни кучайиб борди. Айниқса, бу жараён Хоразм кулолчилик мактабининг йирик вакилларида бири Р.Матжонов ижодида намоён бўлди. Р.Матжонов (Модир маркази) кўпинча сопол буюмларига тўқ кўк рангни ишлатади. Шунинг учун ҳам унинг асарларининг аксариятида хаворанг - кўк ёки рангнинг ўзига хос тўқ туси устунлик қилади. С.Отажонов (Каттабоғ маркази) эса тўқ кўк рангни кам ишлатади, буюмларига кўпроқ оқ ангобдан фойдаланилади, шунингдек бўёқ таркибига ун қўшади. Шу билан бирга, бугунги кунда Хоразм кулолчилик мактабида давомийлик муаммоси биринчи ўринда турибди (яъни шогирдлик мактаблари муаммоси).



### 1.3. Кулолчилик санъатининг етук намоёндалари

Кулолчиликни турмуш тарзига татбиқ этишда Ўзбекистон халқ рассоми, санъатшунослик номзоди Муҳиддин Раҳимов самарали меҳнат қилди. У ўзига хос кулолчилик мактабини яратиб, халқ санъатига оид бир канча асарлар ва ажойиб шогирдлар қолдирди.

Муҳиддин Раҳимов — Тошкент кулолчилик мактабининг машхур кулолларида бири (1903). Кулол, санъатшунос, Рассомлар уюшмасининг аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми кулолчилик хунарини қариидошларидан ўрганган. Туркистон халқ хўжалиги кенгаши қошидаги Тошкент бадиий хунармандчилик мактаби (1918—20), Москва Силикатлар институти (1924—26)да ва Ленинград Керамика институти (1927-1929)да ўқиган. У Самарқанд ва Тошкентдаги қадимий меъморчилик ёдгорликларини таъмирлашда қатнашди. Раҳимов ижодида анъанавий ўзбек кулолчилиги билан замонавий сополчилик *уйғунлашган*. Ижодининг дастлабки даврида яратган буюмлари (йирик шаклли эркин ҳамда қуюқ бўялган нақш безаклари) да ёрқин заминдаги кўк, яшил, сариқ гуллар жилоси ажойиб композиция ҳосил қилади. Ўрта асрлар кулолчилигини яхши ўрганган Раҳимов анъанавий лаган, гулдон ва янги шаклли безак идишлар, портретли совға буюмлар яратди, уларнинг беагида ўсимликсимон нақшлар билан бир қаторда мазмун, хайвон шакллари ва ёзувли тасвирлардан мохироиа фойдаланди. Сопол материали ва бўёқларини ўрганиш йўлидаги изланишлар самараси сифатида бир қатор асарлар майдонга келди, масалан, 1961 йилда рус тилида «Художественная керамика Узбекистана» асари ва бошқалар. У Хамза номидаги санъатшунослик институтида илмий ходим бўлиб ишлаган (1965—1971), Тошкент театр ва рассомчилик санъати институти (1958—1961) ва П.Беньков номидаги бадиий билим юртида дарс берган (1952—1976). Раҳимов яратган сопол буюмлар Москвадаги Шарқ халқлари санъати музейи, Ленинграддаги ССЖИ *халқлари* этнографияси музейида, Ўзбекистон давлат музейларида сақланади. У Хамза мукофоти лауреати (1977), Меҳнат қизил байроқ ордени билан мукофотланган.

Муҳиддин Раҳимов – кулол уста, санъатшунос олим. Ўзбекистон халқ рассоми, Давлат мукофоти лауреати, Санъатшунослик фанлари номзоди Муҳиддин Раҳимов Тошкентдаги кулоллар шажарасининг тўртинчи авлоди эди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли ўзбек кулолчилигининг кўп асрлик анъаналари авайлаб асралди ва янги ҳаётга йўлланма олди. Муҳиддин Раҳимов Ўзбекистонда XIX аср охири, XX аср бошидаги турли хил халқ кулоллиги мактабларининг бадий-техник хусусиятларини, кейинчалик қадимги қушон даври сопол буюмлари.

«Қушон Мажмуаси» декоратив идишлари (1975) Лой, пардозланган. Ўзбекистон жанубида қадимшунослар томонидан топилган Қушон кулоллигига оид буюмларни таъминлай туриб, Муҳиддин Раҳимов уларнинг оҳангида катта гўзал туркум яратиб, бу сополчиликка янги ҳаёт бахш этди. Афросиёб Ўрта аср кулолчилик санъатини, Темурийлар давридги оқ - мовий сополларни ўрганиб, ўзбек кулолчилиги соҳасида ўзига хос қомус яратди. «Гулисафсар» декоратив лаган (1980). Лой, ангоб, тузлар, сирланган, нақшли. Сўнги туркум ишларидан бири. Темурийлар даври кулолчилигига оид кўк - қора рангдаги композициялар бўлиб, М.Раҳимов улар устида қизғин ишлаган эди. Уста астойдил тер тўкиб, унча катта бўлмаган парчадан умумий композицияни тикларди, кейин эса тикланган кулоллик намуналари асосида бутунлай янги ижодий аарлар яратди.

Муҳиддин Раҳимов анъанавий кулолиикка содиқ қолган ҳолда, айти ўз даврининг санъаткори сифатида турли хил услуб ва йўналишлардан ишлаш ҳуқуқини ёқлаб чиқди. Қадимги ва Ўрта аср кулоллик санъати намуналарини ўрганиб, таъмирлагани ҳолда улар асосида XX аср Ўзбекистон кулоллиги санъатида маҳаллий сопол анъаналарига янгича оҳанг бериб, мустақил ва самарали йўналиш яратди. Муҳиддин Раҳимов 1956 йилдан бошлаб 1985 йилгача кундалик тутган. Ушбу кундаликда уста кулол нақшларнинг турли хил безакларини ва ўзини яратган рангларини тайёрлаш таркибларини ёзган. Кўп ҳолларда усталар кундаликлар тутишмайди. Натижада ўзлари кашф қилган кашфиётларини ёзиб қолдирмайдилар. Кейинчалик бу уларни

фарзандлари учун ноқулайлик туғдиради. Рахимовлар сулоласи учун эса бу кундаликлар ўз самарасини берган ва шу кундаликлар асосида ижод қилишган. Муҳиддин Рахимов нақш ва безаклар номлари бўйича илмий изланишлар олиб борган. «Художественные керамика» («Бадий кулолчилик») китобини сўнгги саҳифаларида шу изланишлар натижасида олиб борган нақш ва безаклар номларини, услублари бир-биридан фарқларини, ишлатилишини ёзган. XX аср услубуни классификацияси кўрсатилган Ўзбекистон кулоллари картотекасини яратган. Бунда қайси кулол, қаерда туғилган, нима иш қилган, қандай янгиликлар яратганлиги ҳақида маълумотлар ёзилган. Китобни асосий мазмуни шундан иборат. Китобни бош саҳифаларида жадвал тузилган бўлиб, бу жадвалда янгидан-янги нақшларнинг номлари, турларини, ишлатилишини ёзган ҳамда китоб сўнгида атамаларни ҳам ёзиб келтирган. Муҳиддин Рахимов ишлари шу билан диққатга сазоворки, уларда андозавий, анъанавий ва жамоавий йўлдаги санъат билан ижодий ўзига хослик самараси бўлган изланишлар омухталашиб кетган. Муҳиддин Рахимов ижодида куйидаги услубларни кўришимиз мумкин: қадимги Кушон услуби, Антик давр кулолчилигини қайта тиклаган. Афросиёб кулолчилиги, Қадимги Самарқанд X-XI-XII асрлар. Муҳиддин Рахимов Самарқанд кулолчилигини 30-33 йилларда ўша ерда яшаб, таъмирлаш бўйича иш олиб бориб мукамал ўрганган. Регистондаги Тиллакори мадрасаси ичида устахона ташкил этилган. Ўша пайтларда табиий бўёқлар тўхтатилиб уни ўрнини кимёвий бўёқлар эгаллайди. Лекин бу кимёвий бўёқлар (ранг)лар бизни иқлимга тўғри келмайди. Натижада усталар яна ўша табиий бўёқлардан фойдаланишади. Темурийлар даври кулолчилиги - ёлғон чинни кулолчилиги. Тошкент кулолчилиги XII – XIII асрлар. 33-йилдан М.Рахимов Тошкентга қайтади. Ўз вақтида уста кулолни орзуси «Кулолчилик мактабини» очиш бўлган. Аммо совет даврида бу орзу амалга ошмаган. Шунда ҳам М.Рахимов Тошкент кулолчилигини янги қирраларини очишга эришди. М.Рахимов Ўзбекистонда чинни ишлаб чиқариш соҳасига ўз хиссасини қўшган. 1950 - йиллардан

М.Рахимов Ломоносов заводида илк чинни «форфор чини» яратди. Шундан кейин 1952 - йилларда Тошкентда илк бор пахта нақши (оммалашиши учун) топилган. Сиёсатга мос бўлгани учун ҳам пахта нақши давом этган ва бу нақшлардан хозиргача фойдаланилади. Кейинчалик Фарғонада чинни ишлаб чиқариш ривожланади. М.Рахимов ижодида янгилик яратиб, оловга чидамли «селикат ғиштлар» ишлаган. Бу ғиштлар кимё саноатида ишлатилади. Кислотага ҳам чидамли. Олтин ювиш саноатида ҳам ишлатилади. М.Рахимов 1961 - йил «Ўзбекистон кулоллар санъати» китобини ёзган. Шунда ҳам М.Рахимов Тошкент кулолчилигини янги қирраларини очишга эришди. М.Рахимов Архитектура кулолчилиги бўйича ҳам илмий-амалий изланишлар олиб борган. Бунда XV – XVI асрлар сопол кошинларни таъмирлаш ва уни архитектурада қўллаш бўйича иш олиб борган. Бунда асосий мақсад рангларни иқлимга чидамлилигини, табиий ранглардан сунъий рангларни фарқларини ва қайси бири устунлигини илмий даражада исботлаб берган. Хозирда бу изланишларни М.Рахимовнинг фарзанди Акбар Рахимов ҳамда набираси Алишер Рахимовлар давом эттиришмоқда.

Хоразм кулолчилиқ санъатига катта хисса қўшган усталардан бири Раимберди Матчоновдир.

Раимберди Матчонов — Хоразм бадий кулолчилиқ мактаби Ўзбекистон амалий безак санъатида алохида ўрин тутди. Кулолчилиқ мактаби Тошкент, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлар кулолчилиқ мактабларидан ўзига хос яшаш услуби, теҳнологияси, нақш композициялари, колорити, динамиклиги кишиларга эстетик таъсирчанлиги билан алохида ўрин тутди. Хоразмда бу қадимий санъат авлоддан-авлодга анъана тариқасида ўтиб, хозирги кунда ҳам ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Ана шундай бадий кулолчилиқ анъанасини давом эттириб келаётган Хоразм кулолчилиқ мактабинииг йирик вакилларида бири Раимберди Матчоновдир.

Раимберди Матчонов Хоразмиинг қадимий кулолчилиқ марказларидан бири Мадир қишлоғида 1909 йили кулоллар оиласида дунёга келди. Ўша

даврда Мадир қишлоғида ун беш кулолчилик устахонаси бўлиб, уларда саксондан ортиқ кулоллар ишлар эди. Кошин пиширишда ўша даврда ном қозонган усталар Уста Болта Матризаев, Болта Ваисов, Матчон Қулматовлар бор эди. Матчон кулолнинг ўғли Раимберди ўз отасидан кулолчилик сир-асрорларини ўргана бошлади. У аввал лойдан ҳар хил ўйинчоқлар, шакллар ясаган бўлса, кейинчалик эса кошинни ўрганди. Кулолчилик сир-асрорларини олти йил деганда ўрганиб, Эшим кулолнинг фотихасини олди. Ўзи мустақил идиш ва кошинлар ижод қила бошлади. 1930 йили Р.Матчонов бадий артелга ишга кириб кулолчилик ишларини давом эттирди. Ўша даврда кулоллар жуда камайиб кетган эди. Унинг бу оғир ишларига турмуш ўртоғи ёрдам берарди.

Уста наққошлик сир-асрорларини мукамал ўрганди. У шу ўрганган нақшларини кулоллик буюмларига қўллашга астойдил интилиб, XIX аср Хива кошинкорлик анъаналарини бойитадиган буюмларни яратди. Кулол ишлаб чиқараётган буюмларда ҳам, кошинда ҳам уч хил оқ, яшил, ложувард ранглардан фойдаланди. У рангларни тайёрлаш технологиясини ҳам жуда яхши билар эди. Идиш тайёрлангандан сўнг қўлда ва штамп ёрдамида нақш чизилади, унга сир берилиб офтобда қуритилиб хумдонда қиздирилади. Уста сирни ўзи тайёрларди. Қорақумга бориб, чоғон ёки қирчоқ йиғиб дархол ўша жойда ёқиб кулини устахонага олиб келиб майдаланган шиша унига қўшади. Яъни уч қисм кулга бир қисм шиша кукуни қўшилади. Уни бирор идишда сув билан аралаштириб тайёрланган бодияга суртилади. Кейин бодияни ўтда пиширишда ўша юмалоқ суюқлик ўтга ташланади. У ўтда бодияга урилиб рангини ўзгартиради. Ўша қум порошогини сув билан аралаштириб, совитилади ҳамда тозаланади. Унга ун ва озгина мис оксиди қўшиб тайёрлайди, сўнгра бодия сиртига суркайди. Кулол Раимберди Матчонов шу технология асосида лойдан хум, кўза, тоғора, чанок, чойнак, пиёла, офтоба, бодия ва бошқа хилма-хил бадий буюмлар тайёрлади.

## II БОБ. КУЛОЛЧИЛИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

### II.1. Кулолчиликда фойдаланиладиган лойларнинг турлари.

Ҳар бир хунарни ўзига хос машаққатли ва ўзига хос сир-асрорлари бўлади. Қадимдан ота-боболаримиз бадиий кулолчилик сирларини ва тажрибаларини фақат ўз шогирдларига ўргатиб ўзга болаларга ўргатмаганлар Ота-боболаримиз асрлар мобайнида кулолчилик сир-асрорларини ўргатиб ҳар бир маҳсулотни айникса сифатига, бадиийлигига, фойдаланиш қулайлигига ва унинг умрбоқийлигига алоҳида эътибор бериб келганлар. Шунинг учун улар тайёрлаган оддий сопол пиёласидан тортиб шарқ меъморчилигини безаб тургаи кошинларнинг умрбоқийлиги дунё аҳлини лол қолдирмоқда. Бунга эришиш учун ота-боболаримиз юқори сифатли ғоят чидамли ҳамда давр синовларидан ўтган материаллардан кенг фойдаланиб келганлар. Ўтмишда тупроқдан, қорачироқ, шамдом, сархома, жомашов, хум ҳамда овқат пишириладиган сопол идишлар тайёрланган, лекин кейинги вақтга келиб буларга эҳтиёж бўлмагани учун улар йўқолиб бормоқда. Ҳозирда товок, гулдон, лаган, пиёла, тандир ва бошқалар кўп ишлаб чиқарилмоқда. Кулолчиликда асосий хом ашё тупроқдир. Тупроқларнинг соғ тупроқ, қора тупроқ, кўкимтир, қизил лойкор турлари бўлади. Кулолчиликда ишлатиладиган лой ўзининг хусусияти ва ишлатиладиган буюмига қараб бир неча гуруҳларга бўлинади.

*Лойи гул дон* — сарширали лой, бу лойдан жуда нозик гулдонлар ясалади. У эластик хусусиятга эга бўлиб, жуша лойи қўшилган бўлади.

*Чиннилойд ёки оқ лой* — яримфоянс бўлиб, қорамтир лой оқтош ва ишкорқўшилиб тайёрланади. Бу лойдан коса, пиёла, лаган ва бошқалар тайёрламади.

*Кесма кошин лой* — ўтга чидамли қорамтир лойдан, яъни гилватага оқ тош ёки оқ қум қўшиб тайёрланади. Ундан ҳар хил мозаикали кошинлар тайёрланади.

*Кошин лой* — ширачли лойга кварс қуми қўшиб ундан ҳар хил кошинлар тайёрланади.

*Косагар лой* — патлой ёки товоқ лой деб юритилади. Бу лой соғ тупроққа қамиш қозғоғини аралаштириб тайёрланади. Ундан ясси юзали идишлар тайёрланади.

*Кўзагар лой* — 60—70% пластик ёғли лой ва 30—40% соғ тупроқдан иборат бўлади. Ундан хум, гулдон, кўза ва бошқалар тайёрланади. Кулолчиликда шамод, гилвата, бўёқлар, ангоб, чарх, мўйқалам, мола, катта мола, кичкима мола, сим, нақшин қолип, лабгир, лаган қолип, паргор қалам, кожкорд, тарок, таги қалам, гужмак, туппа ва бошқалар ишлатилади. Кулолчиликда лойни усталар ҳар хил технологияда тайёрлайдилар. Махсус тупроқдан лой қилиниб уни тепиб, муштлаб пишитилади. Лойни нам матога лой тайёрлайдиган хона бўлиб уйни ички қисмидан ҳовузга ўхшаш унча чуқур бўлмаган жой бўлган. Бу ҳовуз пишиқ ғиштдан тўшалади. Лойни ҳар куни, яъни 20 кунгача сув сепиб пишитилади ва нам шолчани устига ёпиб қўйилган. Кераклигича лойни тепиб, муштлаб пишитилади. Лойни юлиб олиб стол устига уриб-уриб пишитилади, шунда лой ичида тўпланиб қолган ҳаво йўқотилади. Агар лойда ҳаво қолиб кетса, идишни хумдонда пиширганда ўша бўшлиқ янада катталашиб идиш тешик бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун қанча кўп лойни пишитилса шунча сифатли маҳсулот олинади. Кулолчилик чархида идишлар тайёрланади. Чарх асосий қурол бўлиб, у катта ва кичик ёғоч ғилдиракдан иборат бўлади. Ёғоч ўқ билан бирлаштирилади. Кулол чархининг пастдаги катта ғилдирагини оёғи билан айлантириб туради. Юқоридаги ғилдиракка лой қўйиб уйдан идиш тайёрлайди. Тайёрланган идиш яхшилаб куритилади. Чунки яхшилаб куритилмаса хумдонда ёрилиб кетиши мумкин. Кулолчиликка хос бўёқлар тайёрлаш ҳам ўзига хос технологияга эга.

*Оқ ранг* — бу ранг оқ тупроқ гилвата ва 11% гача оқтошни майда кумини кўшиб тайёрланади. Уни аралаштириб атала ҳолда тайёрлаб буюм юзига текис сурилади ва кейин нақш чизилади.

*Яшил ранг* — мис куюндиси кукуни кўрғошин сир ва ўтга чидамли тупроқ, яъни гилвата кўшиб тайёрланади. Мис кукуни аввал кизғиш рангда бўлади, хумдонда пиширилганда яшил рангга айланади.

*Қора ранг* — қора ранг 15% гилвата, марганец оксиди, лазурь ва кўрғошин сирларини кўшиб тайёрланади.

*Сариқранг*— ёнган темир соп ёки майда темир чиқиндиларидан фойдаланиб темир кукуни мис қозонга солинади ва унга гилвата, кўрғошинсири ҳамда сув солиб эзгилаб тайёрланади.

*Хаво ранг* — ложувард, оқ тош ёки оқ қум ва гилватага кўшиб тайёрланади.

Иш ражаёнининг кетма-кетлиги:

- Лой тайёрлаш;
- Чархда ясаш;
- Накш бериш;
- Хумдонда пишириш  $C^0 700^0 - 900^0$ ;
- Сирлаш технологияси;
- Хумдонда пишириш  $C^0 800^0 - 900^0$ ;
- Яқуний холат;

Қиздирилган лойдан фойдаланилади, лойи шираси кўп бўлади. Лойда туз бўлмаслиги керак. Охак бўлиш керак. Лойи зичлигига ҳам қаралади. Турпо суюлтириб кейин элакдандан ўтилади. (Шликкер суюк лой). Кўза лой - коса лой, кўза лойи пўхи камро бўлади.

Чархда ясаш - Кулолчилик асосий қурол кулолчилик чархи, уста унда идишлар тайёрлайди ва уларга шакл беради. Тайёрланган идишлар қуритилиб хумдонда киздирилади. Идишларнинг турларига кўра, хумдонлар ҳам турлича (катта - кичик) бўлиши мумкин. Сирланадиган идишлар сирланганидан сўнг яна бир бор хумдонда киздирилади. Оқибатда куллар маълум идишлар ишлаб чиқариш бўйича



ихтисослашган бўладилар (масалан; Косагар, кўзагар, кошинпаз, тандирчи ва бошқалар). Кулолчиликда ишлатиладиган дастгоҳ; кулолларнинг асосий иш куроли махсус лойдан ишланадиган идишни шаклга солишда фойдаланилади, кулоллик чархи икки ёғоч ғилдирак - катта паррак (диаметри 1 м. гача) ва кичик сартахта диаметриц 20-30 см) ҳамда ғилдиракларнинг марказидан ўтган думалок харсанг тошга ўрнатилган ўқдан иборат. Кулол пастдаги катта ғилдиракни устига лойни қўйиб идишни ясайди. Кулолчилик чархи илк бор қадимги Шарқда милоддан аввалги 4-3 минг йилликда пайдо бўлган. У дастлаб қўлда айлантирилган хили хозир қўлланилаётган кулоллик чархи юзага келган. Икки хил услубда ясалади.

Кўлда гипсли колипда, чархда ясашади. Ясалгандан кейин куритилади. 4-5 соат тарош килиш жараёни. Пичок билан устки кисми кумқоғозда силлиқланади. Нақш беришга тайёрланади. Оқ тон бўлса кварс билан калвин ангобаси копланади, оқ фон вазифасини беради. Устига нақш берилади.

Тайёр бўлгач хумдонда пиширилади - 700 - 900.

Сирланади - хумдонга кўйилади. Сирли хумдон ва бу сир деб номланиши устки қисмини қопловчи сир. 980-1100 даражадан пиширилади. Юқори температурада. Ўзи шишага айланади.

## II.2. Сирлаш ва ранг бериш технологиялари.

Ўрта аср кулоллари сир тайёрлаш учун маҳаллий хом ашёларнинг ишлатиб, нақшлари бетакрор, нафис ишлов берилган сопол идишлар яратишган. Археологик қазилмалар этнографик материаллар, кимёвий ва спектрал анализлар ўрта аср кулоллариини сир асрорларини сир тайёрлаш технологиясини, уларнинг усул ва услубларини очиб беришга катта ёрдам берган.

Ўрта Осиё хом ашёларга бой ўлка бўлиб, бу ерда бир неча конлар жойлашган. Бируна ёзган “бир турдаги рудали минералларнинг таркибида қимматли бўлган бирон материални (олтин, кумуш, темир, марганец, мис, кўрғошин, рух, қалайи, кобальт ва бошқалар) турли усуллар ёрдамида рудалардан ажратиб олинган”.

Ўрта аср усталари материаллар тўғрисида маълумотларни, уларнинг ўзига хос хусусиятларини яхши билишган. Масалан; сирнинг энг асосий компонентининг (кўрғошин, мис) физикавий а кимёвий хусусиятларини яхши билишган. Улар сунъий равишда мис оксидини ҳамда темир оксидларини тайёрлаш усулларини билишарди. XIII-XIV асрларга мансуб Абулькасим Кашанский томонидан ёзилган “трактатда” сир тайёрлаш усуллари тақдим этилган. Ушбу манба уч қисмдан иборат. Биринчи қисмида хом ашёлар тўғрисида маълумот берилган. Иккинчи қисми – моддаларнинг анализи ва учинчи қисмида – моддаларнинг синтези ёритилган. Трактатнинг биринчи қисмида берилган 12 компонентлар ҳаммаси сир тайёрлашда ишлатилган. Аксарият зикр этилган моддалар замонавий сирларнинг таркибига кирувчи хом ашё ҳисобланади. Масалан: лой, мис, каолин, кўрғошин ва бошқалар. Ушбу моддалар сир таркибини ҳосил қилган бошқалари эса ранг берувчи модда сифатида ишлатилган.

Умуман олганда, сирлар кимёвий ва минералогик таркибига ёхуд ишлатиладиган хом ашё турига, тайёрлаш усулига, рангига ва бошқа фактлар асосда классификацияланади. Тайёрлаш усули бўйича улар хом ёки сирланган сирларга бўлинади. Эриш ҳарорати бўйича сирлар енгил ва қийин

эрийдиганга бўлинади. Енгил эрийдиган сирлар, масса таркибига кўра, кўрғошинли, кўрғошинсиз ва ишқорли каби турларга бўлинади. Лекин бу сирлар, юқори декоратив бўлишига карамай кам ишлатилади, чунки уларнинг таркибида захарли кўрғошин бирикмалари мавжуд. Хом сирларнинг таркибидаги аксарият хом ашёлари сувда эрийдиган бўлади. Улар сополакни ғовакларига кириб кетади. Юзаси шундай сир билан копланган бадий буюмлар ўз сифатини йўқотади. Шунинг учун сир тайёрлашда қўлланаётган хом ашёларни куйдириб, шишасимон ҳолатига ўтказилади. Бу борада сувда эрийдиган бирикмалар эримайдиган бирикмаларга айланади. Ушбу сирлар кенг кўламда майолика, сопол, фаянс буюмларини безашда қўлланилади.

#### Кулдан тайёрланган сирлар

Энг биринчи сирлар кулдан тайёрланган. Ҳозирги вақтда фақатгина кулолчиликда ишлатилади. Одатда кул дарахт, ўт ёки сомондан олинади. Махсус манбалардан маълумки, унинг кимёвий таркиби ўзига хос: бу оддий сирли кум ва оз миқдорда альминий, кальций, поташ, сода, магнезиция, плюс темир ва оз миқдорда бошқа компонентлар. Сир тайёрлашда кул миқдори фақатгина 15-20% бўлиши етарли, чунки кум сифати баланд. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: кулдан тайёрланган сирларнинг кулолчиликда кўпроқ ишлатилиши лозим.

#### Кристалли сирлар

Кристалли сирларнинг икки хили мавжуд. Биринчиси, монокристалли сирлар: - қайта кристаллар сирнинг сатхида жойланади, иккинчи усул – “авантюрин” деб номланади. Бу ҳолда сир ичида майда кристаллар мавжуд, улар нур таъсирида ялтираш тассуротини ташкил этади. Одатда кристалли бирикмалар асосан Zn, Fe – элементлар ёрдамида ҳосил этилади. Шунинг билан бирга кўрғошин бирикмаларидан ташқари бор ва сода ҳам қўлланилиши мумкин.

## Махсус сирлар

“Кракле” деб номланувчи сир. Агар сирнинг ТКК сополакни ТКК баланд бўлса, унда сир сатхи дарз кетади. Бу усул кракле деб номланади. “Кракле” сирларнинг композицияси бўйича таъсиф этиб бўлмайди, фақатгина сир ва буюмнинг сополаги ўртасидаги кенгаши ҳолати бўйича тасниф бериш мумкин. Бунда контраст ҳолати мавжуд бўлади. Аксарият сирлар, сидирги рангдан ташқари “кракле” деб номланган сирнинг ҳосил этади. Энг оддий йўл таркиби бир хил флюсларнинг, қарама-қарши флюсларга алмаштиришидир. Алмаштириш тўғри бўлади, агар иккинчи флюс қонун-қоидага роия қилган бўлса натрийнинг калийга нисбатан кенгайши коэффиценти жуда катта. СА – нинг уларникидан анча паст, лекин Рв, Ва, Мд элементларнинг кенгашини жуда паст. “Кракле” усули сирларда яхшигина кўриниши ташкил этади. Бу усулда бадий буюм ишлаб чиқаришда қўлланилиши мумкин.

Рво – кўрғошин оксиди.

Кўрғошинли оксид ҳар доим энг енгил эрувчан флюс деб ҳисобланади. Унинг машҳурлиги маълум сабабларга боғлиқ. У бошқа флюслар билан енгил қўшилади, бундан ташқари ТКК паст сирнинг ташкил этиб беради. Кўрғошинли оксидлар сирларнинг рангини ялтиратади, лекин улар заҳарли бўлади. Кўрғошинли сирлар яхши эриш ва оқим хусусиятларга эга бўлганлари учун улар бошқа сирларга нисбатан ҳар хил камчиликларни камайтиради. Кўрғошин оксидининг асосий камчилиги – унинг заҳарли табиати ва мевали кислоталарнинг таъсирига чидамсизлигидир. Кўрғошинли сирлар маълум ҳолатларда қора рангга айланиши ёки қатлам ташкил этиши мумкин, агар сиқилиш даражаси кам бўлса. Кўрғошинли сирларнинг сатхи енгил тирналади, агар таркибида ишхорли флюс мавжуд бўлса.

### **II.3. Кулолчилик намуналарини қуритиш ва пишириш жараёнлари.**

Бадиий кулолчилик буюмларини қуритиш ва пишириш мураккаб жараён бўлиб бу буюмлар ўзидан 20-25% намлигини йукотади. Керамика гилидан ясалган буюмнинг ўзидаги масса таркибидаги намликни ҳавога тўла чиқариб юбориш жараёни қуриш процесси дейилади. Қуриш жараёнида материал ўзининг 20-25% ли намлигини 2-4% гача йўкотади.

Қуриш жараёни уч босқичга бўлинади:

- а) биринчи босқичда бадиий буюм намли ҳаво орқали иситилади,
- б) иккинчи босқичда бадиий буюмнинг сатҳидан сув кета бошлайди. Бу борада буюм қуруқ намсиз ҳавода сақланади.
- в) учинчи босқичда иссиқҳавонинг таъсирида буюм 70-80% намлигини йўкотади.

Кулолчилик массасидаги минерал заррачаларида уч хил кўринишдаги- кимёвий, физик-кимёвий, механик ҳолатда боғланган намликлар мавжуд. Кимёвий намлик массанинг кристаллик решеткаси- структура ичида ўтирган намликка айтилади. Бу намлик буюмни пишириш йўли билан температурани 550 °Сга кўтарилганда, материалдан ҳавога намлик ажралиб чиқади. Физико - кимёвий ёки боғланган намлик гил заррачаларига гидрат оболочкаларида жойлашганига айтилади. Механик ёки эркин ҳолатдаги намлик керамик масса капиллярларига жойлашган. Қуриш жараёнида механик - эркин ҳолдаги намлик тўлалигича ва физико-кимёвий намлик қисман ҳавога ажралиб чиқади.

Буюмларни қуриш жараёни қисқариш, яъни 10-15% кичрайиш жараёни билан кузатилади. Шу сабабли кулолчилик буюмларда кичрайиш натижасида камчиликлар бўлади. Бунинг оқибатида буюмлар ёрилиши мумкин. Бу процесснинг олдини олиш учун қуриш технологик режимини тўғри олиб бориш керак. Одатда керамик буюмларини қуриш режими уч поғонада

амалга оширилади. Биринчи босқичда ҳаво оркали иситилади. Бу босқичда буюмлар оз қисмда намлигини йўқотади. Секин аста тўхтовсиз қуритиш оркали буюмларнинг ички катламидан намлик ажралиб чиқа бошлайди. Буюмлар ҳажм жиҳатдан камайиб кичрая бошлайди ва материал массаси кота бошлайди. Охириги қуриш поғонасида буюмларда ҳажм кичрайиш тўхтайдди, ҳавога намлик ажралиб чиқиш камаяди.

Кулолчилик буюмларида табиий қуриш жараёни 2-3 кун давом этади. Қолипсиз ясалган кулолчилик буюмлар махсус қуришиш ускуналарида 45-50 °С қурилади. Учинчи босқич қуритилиши 100-110 °Сда буюмлар қурилади. Кўпчилик кулоллар тежаш учун пишган хумдондан чиққан иссиқ, хаводан маҳсулотни қуришишда фойдаланади. Пишириш жараёни кулолчилик буюмлари тайёрлаш жараёнидаги энг охириги босқич бўлиб, ўта муҳим жараён ҳисобланади. Пишириш жараёнида кулолчилик буюмларида мураккаб физик - кимёвий жараёнли процесслар бўлиб ўтади. Бунинг оқибатида гил массасидан ясалган мўрт материал мустаҳкам тош холатга - мустаҳкам, қаттик, кимёвий чидамли, эстетик чиройли буюмга айланади. Пишириш жараёни кулолчилик буюмлари турларига қараб ўзининг технологик босқичи асосида амалга оширилади.

Кулолчилик асосий қурол кулолчилик чархи, уста унда идишлар тайёрлайди ва уларга шакл беради. Тайёрланган идишлар қуритилиб хумдонда киздирилади. Идишларнинг турларига кўра, хумдонлар ҳам турлича (катта - кичик) бўлиши мумкин. Сирланадиган идишлар сирланганидан сўнг яна бир бор хумдонда киздирилади. Оқибатда куллар маълум идишлар ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган бўладилар (масалан; Косагар, кўзагар, кошинпаз, тандирчи ва бошқалар). Кулолчиликда ишлатиладиган дастгоҳ; кулолларнинг асосий иш қуроли махсус лойдан ишланадиган идишни шаклга солишда фойдаланилади, кулоллик чархи икки ёғоч ғилдирак - катта паррак (диаметри 1 м. гача) ва кичик сартахта диаметри 20-30 см) ҳамда ғилдиракларнинг марказидан

ўтган думалок харсанг тошга ўрнатилган ўқдан иборат. Кулол пастдаги катта ғилдиракни устига лойни кўйиб идишни ясайди. Кулолчилик чархи илк бор қадимги Шарқда милоддан аввалги 4-3 минг йилликда пайдо бўлган. У дастлаб кўлда айлантирилган хили хозир кўлланилаётган кулоллик чархи юзага келган. Икки хил услубда ясалади.

Кўлда гипсли колипда, чархда ясашади. Ясалгандан кейин куритилади. 4-5 соат тарош килиш жараёни. Пичок билан устки кисми кумқоғозда силлиқланади. Нақш беришга тайёрланади. Оқ тон бўлса кварс билан калвин ангобаси копланади, оқ фон вазифасини беради. Устига нақш берилади. Қуритилган идишлар хумдонда пиширилади. Сирланадиган идишлар сирланади яна хумдомда қиздирилади. Хумдонда бу сир 1000—1200 даража иссиқликда лойга шундай киришиб кетадики у иссиқликка ҳам, совукда ҳам ўз хусусиятини йўқотмайдиган бўлиб қолади.

Тайёр бўлгач хумдонда пиширилади - 700 - 900.

Сирланади - хумдонга кўйилади. Сирли хумдон ва бу сир деб номланиши устки қисмини қопловчи сир. 980-1100 даражадан пиширилади. Юқори температурада ўзи шишага айланади.

### **Хом ашёларни тайёрлаш жараёнлари:**

Кулолчилик корхоналарида хар хил ашёлар сақланади. Аксарият хом ашёлар корхоналарга узоқ манзиллардан ҳам келтирилади. Хом ашё сиғдирадиган ва юклайдиган машина, булдозер ёки эксковатор ёрдамида аввало карьер юзаси, ўсимлик юзаси, кулранг тупроқ, қум ва оҳактош қолдиқлари тозаланади, оқава қолдиқлари ёқотилади ҳамда кириш йўли қурилади. Сўнгра турли усулларда асосий ашёни кавлаш ва транспорт воситаларига юклаш ишлари амалга оширилади.

Куйдириш: Кулолчилик буюмларига термик ишлов бериш технологияси энг мураккаб ва маъсул жараён бўлиб тайёр маҳсулотнинг маълум даражали сифатини таъминлайди.

Уларнинг сополаги қаттиқ мустаҳкам бўлиб иссиқ ва совуқнинг кескин ўзгаришларига чидамли бўлади. Куйдириш жараёнининг асосий мақсади бадий буюмга берилган шаклни сақлаб қолиш. Бундан ташқари куйдирилган бадий буюмни қўлга олганда ёки унда бутун корхонанинг иш босқичлари кўриниб туради. Масалан чинни сополаги сарғиш бўлса унга ишлатилган хом ашёлардан темир бирикмалари кўп миқдорда учраган бўлади. Лекин шуни таъкидлаб ўтиш жоизки куйдириш жараёни фақатгина буюмни физикавий ва механикавий хоссаларига эмас, балки безатиш жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Одатда бадий буюмларга термик ишлов бериш икки босқичда олиб борилади.

Дастлабки куйдириш жараёнида хом буюм печкага 40, 80 ҳароратда киритилади. Бу босқичда энг муҳим жараён шундан иборатки ҳарорат аста секин кўтарилиб борилади ва сополакни бутун сақланади. Ҳарорат 600/0 дан бошлаб биринчи босқич 800, 950 да тамом бўлади.

Кулолчиликда ишлаб чиқариладиган буюмлар анъанавий керамика (қурилиш ва нафис керамика) техника керамикаси (юқори ўрға чидамли оксидли керамика) маиший хўжалик керамикасига бўлинади.

Сопол маҳсулотлари хом ашё тури ва миқдорига қараб тайёрлаш усули ишлов бериш тури тузилиши сув шимучанлиги ва бошқа хусусиятлари билан гуруҳ ва турларга бўлинади. Анъанавий ва ноанъанавий керамика техника қурилиш керамикаси маиший хўжалик сопол буюмлари ва ҳокозолар.

**ТЕРРАКОТА:** Терракота буюмларининг сопол сопол говак (сув шимувчанлиги 8, 10%) сирти сир билан қопланган бўлади. Одатда терракотанинг ранги қизил ёки жигарранг бўлиб, ранг – баранг тусларга бўлинади. Терракота маҳсулотларининг тайёрланишида ишлатиладиган асосий материаллар қуйидагича: табиий гиллар ва шамот. Айрим вақтларда терракота буюмларининг массаси рангли оксидлар билан бойитилади. Охра хром оксиди ва ҳокозолар.



Терракота буюмларининг куйдириш жараёнида асосий эътибор куйдириш ҳароратига ва печкадаги газли муҳитда қаралади. Масалан кайтарилиш муҳит бўлганда терракотаи рангли кулранг бўлади. Лекин ушбу муҳит энг баланд бўлганда материалнинг ранги қора чиқиши мумкин. Оксидланиш муҳит ўз йўлида материалга қизил рангни беради.

Шундай қилиб терракотани рангига куйдириш ҳарорати газли муҳит газ тўпламларининг йўналиши таъсир этади. Одатда терракотани устига сир суртилмайди. Куйдириш жараёни бир маротаба давом этади. Терракота кенг равишда қурилиш маиший хжалик материаллари ва бадий декоратив буюмлар сифатида ишлатилади.

**АНГОВ:** Кимёвий таркиби бўйича ангов бу дисперлисистема. Унинг асосий муҳити сув фазаси эса бўялган гил заррачаларидир. Ангов бу гил. Одатда ангов хом буюмнинг устига суртилади. Аксарият кулолчилик маҳсулотларини сополдаги ангов билан безатилади. Унинг ранг – баранг тусларини беркитиш учун айниқса бу жараён меъморчилик маҳсулотларини тайёрлашда кенг қўлланилади.

Таркиби бўйича анговлар икки гуруҳга бўлинади:

- Қум тупроқли (уларнинг сув шимувчанлиги катта ва ғоваклиги баланд бўлади. Ушбу анговлар асосан сопол майолика ва бошқа маиший хўжалик буюмларни тайёрлашда ишлатилади).
- Флюсли анговлар (уларнинг сув шимувчанлиги ва ғовакли паст баландлиги. Улар асосан меъморчиликда ишлатилади).

Ангов сурилгандан кейин буюмнинг юзаси текис силлиқ бўлиб сирлаш жараёнига тайёр бўлади. Одатда анговнинг таркибига оқ ўтга чидамли гил, каолин қўшимча хом ашёлар киради. (Мел, далашипати, шиша майдаси, оқ кварц). Бундан ташқари анговнинг массасига кобалт оксиди қўшилса асосий масса хаворанг ёки кўк мовий бўлади.

### **III БОБ. “ЙИЛ ФАСЛЛАРИ” ДЕКОРАТИВ ВАЗАЛАР ТЎПЛАМИ МАВЗУСИДАГИ БИТИРУВ МАЛАКАЛИ ИШИНИНГ АМАЛИЙ ЖАРАЁНИ.**

#### **III.1. Мавзуни танлаш устида олиб борилган ишлар.**

Мазкур битирув малакавий ишининг мавзусини айнан “Йил фасллари” деб номлашимдан мақсад, табиатга бўлган муҳаббат ва садоқат ҳақида ўз асаримда намоён этиш эди. Кулолчилик касби ота-боболаримиздан мерос бўлиб келаётган бу машаққатли касб ҳисобланади. Композиция ҳақида гапирадиган бўлсак, мен бу ишимда табиатни севиш, унинг тўрт фаслларини инсонлар қалбидаги оташин муҳаббатини намоён этишга ҳаракат қилиб бу асаримни яратдим. Мен бу битирув малакавий ишимни лойиҳасини яратиш чоғида бу мавзуда яратилган композиция асарларига эътибор қаратдим, уларнинг устида ҳам амалий ҳам назарий жиҳатдан изланишлар олиб боришга ҳаракат қилдим. Бунинг учун мен табиатга бўлган севгим ва унинг тўрт фаслларини хилма хиллиги, инсонлар учун барча фаслларини ўрни муҳим эканлигини мавзусидаги ўз ижодий асаримда яратишга ҳаракат қилдим. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда композициянинг марказида жойлашган табиатнинг тўрт фасллари учун тўрт хил кўринишда декоратив вазалар кўринишида яратдим. Образ ва типажда миллийлик ва ўзбеконаликка алоҳида эътибор қаратган ҳолда ёндашишга ҳаракат қилдим. Бир йил муқаддам мавзу танланди ва унда кўплаб турли кўринишдаги эскизлар, қоралама нусхалар ишлаб чиқилди. Қайта ва қайта ўзгартириш ва кўшимчалар киритилганидан сўнг ягона бир композицияга тўхталдим. Лойиҳа ашёдаги намунанинг бирга-бир нусхасида яратилган бўлиб, йил фаслларини тўрт кўринишида фасллар кетма кетлигида декоратив кўзаларни ичларида алоҳида қишнинг хусусиятлари, баҳорнинг ўзига хос жозибалари, қаҳратон қишдан кейин баҳорнинг янгиланиш оғи фаслларининг келинчаги ва табиатнинг гўзал кўриниши инсонларга нақадар қувонч бағишлашини, ёзнинг жазирама иссиқлиги, дарахтларнинг хосил бериши, кузнинг илиқ

хавоси, дарахтларнинг барглари тўкилиб табиат ухлашга тайёрланишини асос қилиб яратишга ҳаракат қилдим.. Дастлаб, ўлчам асосида яхлит катта ўлчамдаги планшет ва унинг остига ўрнатиладиган учта кичикроқ ўлчамдаги планшетларни ясадим. Сўнгра катта ҳажмдаги ватман қоғозини планшет устига жойлаштирдим. Композиция марказини аниқлаб, қалам ва чизғич, лекала, ёрдамида композициянинг ҳар бир деталини алоҳида эҳтиёткорлик билан чизиб чиқилди. Кейин эса акварель, туш, темпера, гуашь, рангли бўрлар ёрдамида ранг бериб чиқилди. Ранглардан сарик, жигар ранг, охора, теракота, мовий, кўк, сиёҳ ранг, оқ, пушти, олов ранг, ва шу каби бошқа бир қатор ранглардан унумли тарзда фойдаланилди. Ранг танлаш мобайнида бири-бирига мутаносиблиги, ўзаро юмшоқ тарзда бири-бирига ўтиб кетиш жараёнлари ҳам ҳисобга олинди. Композиция тугалланган ҳолга келиши учун унинг атрофини қора рангда ҳошиялаб олинди. Шу тариқа Битирув малакавий ишининг лойиҳаси ўз якунига етди.



## **III.2. Композицияни ашёда яратиш босқичлари ва унда ишлатилган хом ашёлар.**

Узоқ изланишлар натижасида мазкур композициянинг эскизи диплом раҳбари томонидан тасдиқланди ва ишнинг асосий жараёнлари шу тариқа бошланди.

Мавзу айнан табиатга бағишланганлиги бежиз эмас. Сабаби, табиатҳаётимизнинг бош устуни сифатида кўзга ташланади. Танларган композициянинг ғояси оддий, лекин бажарилиши ўзига хослиги билан тубдан ажралиб туради. Ҳаёт дорбозни дори бўлса, эркак киши унинг дорбозидир. Дорда турган дорбоз екасидаги таёғининг бир томонида онаси бўлса, иккинчи томонида эса турмуш ўртоғи фарзанди билан торози палласини ёдга солади. Эскизлар кўп маротаба чизилган ва бир қанча ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш йўли натижасида тайёр ҳолатга келган. Кулолчилик санъатида ашёда бажарилиши режалаштирилган ҳар бир ижод намунаси аввало эскизнинг мукамал тайёр бўлганидан сўнг яратилади. Бу эса ўз навбатида ишнинг мукамал чиқишини маълум маънода белгилаб беради.

Композициянинг иккинчи асосий босқичи ҳисобланган ашёда ишлаш жараёни энг қизиқарли вазу билан бир қаторда мураккаб жараён ҳисобланади. Мазкур композицияни ашёда бажариш учун шамот хом ашёсидан унумли фойдаланилди. Ушбу хом ашё қулайлиги, чидамлиги ва рангининг софлиги билан бошқаларидан ажралиб туради.

Гипс қопламали текислик устига маълум бир қалинликда ётқизилган шамот устига эскизда бажарилган композиция бирга-бир ҳолатда туширилди. Композиция марказидаги эркакнинг орқа фонида нақш безаклари ўз аксини топган. Бу нақшлар ҳаёт чизгиларини белгиловчи восита сифатида композициядан алоҳида ўрин эгаллаган.

Композициянинг умумий кўриниши фигурали шаклда бўлиб, баландлиги 90 см, эни эса 65 см ўлчамга эга. Композициянинг ўнг тарафида

иккита кичикроқ ўлчамдаги кўзачалар ёнбошлатиб ўрнатилган ва умумий кўринишда чархпалакни эслатади. Бу ҳолат ҳаёт чархи деган мазмун-моҳиятни англатади. Композициянинг ўнг тарафида эса меъморий наққошлик намунасининг бир қисми туширилган бўлиб, усти сирланган. Композициянинг ўртасидан анорсимоннинг турли рангларга бўялган дастаси ўрин олган бўлиб, ўнг томонидан мовий ва сариқ рангдаги нақш нусхаси туширилган адрас матоси лойдан ниҳоятда харрир қилиб ишланган. Композициянинг умумий кўринишида шамот хом ашёсининг асл ранги сақлаб қолинган. Композициянинг ҳар бир деталига жиддий эътибор берилган тарзда бажарилган.

Шамот хом ашёсида бажарилган мазкур композиция 5-7 кун соя ва ҳаво текис айланиб турувчи жойда, бевосита гипсли қоплама устида қуритилди.

Ишнинг кейинги жараёни композицияни хумдонда пишириш бўлди. Бунинг учун мазкур композиция бир нечта бўлакларга ажратиб олинди. Сабаби хумдон композиция ўлчамига нисбатан анча кичкина. Биринчи пишириш жараёни хомпаз бўлиб, унда композиция 1100 С<sup>о</sup>да пиширилди. Иккинчи пишириш жараёни эса 890 С<sup>о</sup>да амалга оширилди. Бу жараён бир мунча қийинчиликларни юзага келтирди десак муболаға бўлмайди. Сабаби, у устахонадаги кичкина ўлчамдаги хумдонда пиширилди.

Хумдондан мувофаққиятли пишиб чиққан мазкур композиция пардозлаш ишларидан сўнг якунига етди ва тугалланган ҳолатга эришилди.

## ХУЛОСА

Мустақиллигимиз шарофати билан буюк аждодларимизнинг маънавий меросидан баҳраманд бўлиш ва уларнинг номини абадийлаштириш имкониятига эга бўлинди. Аждодларимиз томонидан яратилган меъморий обидалардаги бетакрор амалий санъат асарлари эса ўтмишда халқимизнинг юксак даражада санъат асарлари яратганлигини бизга ҳамиша эслатиб, улардан ибрат олишга чорлайди.

Амалий безак санъати миллатнинг бой анъанавий қатламларига ҳамда бугунги куннинг ва келажакдаги маънавий – маданиятга алоқадор ижтимоий – маънавий феномен бўлиб, миллий истиқлол мафкурасининг шаклланишида муҳим омил сифатида эътироф этилади.

Амалий санъат турларини қайта тикланиши ва ривожлантирилиши чет эллик туристларнинг юртимизга бўлган қизиқиши ҳамда эътиборини янада ортишига сабаб бўлди. Мустақиллик йилларида машҳур ишқорли сир, ўсимликлар кулидан тайёрланадиган бўёқ тайёрлаш усули, бўёқ тайёрлашда тухум сариғидан фойдаланиш қайта кашф этилди. Лойдан миллий ўйинчоқлар яшаш қайта тикланди. Ҳозирда ишланаётган амалий безак санъатида турли қадимий обидаларни тасвирлаш кенг тарқалмоқда. Халқ ичида мудраб ётган ижодий куч уйғонди, бу анъанавий ҳунармандчиликнинг ривожига кенг йўл очди.

Барчамизга маълумки, юртимизга ташриф буюрадиган сайёҳлар аввало ота-боболаримиз бунёд этган ҳашаматли иморатлардан баҳраманд бўлишса, уста-ҳунармандларимиз томонидан яратилаётган, миллий маданиятимизни ўзида акс эттирган ҳунармандчилик буюмларини эсдалик совғаси сифатида сотиб олишади. Бу ҳол эса асосан ноёб миллий қадриятларимиз намунаси бўлган буюмларимиз ҳориж давлатларга чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бунинг натижасида қадим анъаналаримиз асосида ясалган ноёб буюмлар турларининг камайиб кетишига, уларнинг йўқ бўлиб кетишига йўл қўйилмоқда. Бундай ҳолатларга чек қўйилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ўзбекистон халқ амалий безак санъати муттасил тикланмоқда, шиддат билан ривожланмоқда ва юксалмоқда. Республикада ишлаб турган халқ усталари сафи кенгайиб бораётгани, халқ санъатининг кулолчилик ва бошқа қатор турлари кўпайиб бораётгани шундан гувоҳлик беради. Бу эса мустақиллик даврида мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантириш, кишиларни интеллектуал ва ахлоқий камол топтириш учун қулай шароит кўпроқ яратилаётганининг далилидир. Мазкур Малакавий ишини яратилишида ҳам юқорида келтириб ўтилган фикрлар асосий замин сифатида кўзга ташланиши ҳам бежиз эмас. Давлатимиз томонида оила, хусусан ёш оилаларга берилаётган имкониятлар мисли кўрилмаган натижаларни келтириб чиқараётганлиги қувонарли ҳолатлардан бири десак муболаға бўлмайди. Халқ амалий безак санъати анъаналари тарихда авлоддан-авлодга ўтиб келиш билан бирга тараққиётнинг янги сифатига эга бўлмоқда, бу жараён, айниқса, ҳозирги қайта қуриш даврида янада юқори самараларга эришув имкониятига эга бўлиб бормоқда. Шу билан бир қаторда мазкур Малакавий битирув иши узок йиллар мобайнида оила аталмиш кўрғондаги ҳолатларни намоёиш этиши билан аҳамият касб этади. Зеро, бу мавзу асрлаш оша битмас-тугамас мавзу сифатида гавдаланиб тураверишига ишонамиз.

Келажак ёшларни ўз Ватанини тарихини эъзозлашга, тарихга оид бўлган асори – атиқаларини қадрлашга ва уларни йўқ бўлиб кетишига йўл қўймасликка ҳаракат қилишимиз лозим. Бу ҳам ёшларни миллий истиқлол ғоялари асосида тарбиялашнинг бир босқичи десак, муболаға бўлмайди, албатта.

## АТАМАЛАР РЎЙХАТИ.

1. **Ангоб**– сопол буюмларни оқ фони “ангоб” дейилади.
2. **Архаика**– энг содда нақшлар, тарихий нақшлардир.
3. **Ишқор**– бу технология, сопол идишларга бериладиган сир. У табиий холда ўтлардан олинади.
4. **Композиция**– хар бир предметни, нарсани, табиатни, табиий ва сунъий жойлашуви.
5. **Колорит**– ранглар йиғмаси.
6. **Контур** – тасвирнинг четки қисми ҳошия қилиб чизилган чизиқлари.
7. **Керамика** – оддий сопол.
8. **Фаянс**– идиш товоқ, сопол сувенирлар, ҳайкалтарошликда ҳам ишлатилади.
9. **Чинни**– каолин қоришмаси кўпроқ бўлади, чинни фаянсга нисбатан оғирроқ бўлади. Чинни тиниқ бўлади.
10. **Уста** – асли форс-тожик тилидан олинган сўз бўлиб, бирор ҳунарни эгаллаб, шу соҳада юқори малака орттирган шахс.
11. **Террокота** – сопол - керамика- оддий кизғиш сопол.
12. **Потина**– бронзани ачитмаси.
13. **Монументал (махобатли)**– хажм жихатдан катта асар ва хайкал.
14. **Глазур**– турли ранглардан тайёрланган қоришма.
15. **Ҳал** – арабча эритиш сўзидан олинган бўлиб, ютиш деган маънони англатади. Тунж, алюминий, жез, рух, қалай, кумуш ҳамда олтиндан тайёрланган кукун.
16. **Смалта** – сопол, шиша ҳамда чини буюмларни бўяшда ишлатиладиган рангли бўёқ.



## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.- Т.: Ўзбекистон, 1997 й. – 326 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. //Ўзбекистон овози, 1998 й. – 22 август.
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000 й. – 206 б.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008  
Амалий санъат қисқача лугати. -Т: Қомуслар Бош тахририяти, 1992
5. Акилова К.Б. Народное декоративно – прикладное искусство Узбекистана. XX век. Алматы: PRINT – S, 2005.
6. Булатов С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. – Т.: Меҳнат, 1991
7. Қаяумов Н.Р. Ашешунослик. - Т.: Шарқ, 2007.
8. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Барча жилдлар.
9. Шоёкубов Ш.К. Ўзбек халқ амалий-безак санъати: //Безакли альбом. - Т.: Ўзбекистон, 2009 й.
10. Ташходжаев Ш. С. Художественная поливная керамика Самарканда IX - нач. XIII вв. Ташкент, 1967. 92-93 б.
11. Хакимов А. А. Современное декоративное искусство республик Средней Азии (к проблеме традиции и новаторства). Ташкент, 1988. 15-6.
12. “Санъат” журнали 2000 йил 38 бет
13. [www.san`at.orexca.com](http://www.san`at.orexca.com)
14. [www.google.co.uz](http://www.google.co.uz)
15. [viki.uz](http://viki.uz)

# **ИЛОВАЛАР**

## ИЛОВАЛАР

















